

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Наманган Давлат Университети**

***География ва экология асослари  
кафедраси***

**Топонимика ва географик  
атамашунослик фанидан  
маърузалар матни**

**Наманган-2010**

Мазкур маърузалар матни давлат университетларининг география факультетлари талабаларига мўлжалланган намунавий ўқув дастурига мувофиқ тузилган. Унда топонимика ва атамашуносликнинг асосий мазмуни, ривожланиш тарихи, вазифалари, топонимик атамалар, топонимларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг турлари, тўғри ёзиш масалалари, Ўзбекистон топонимлари, географияни ўқитишда топонимик маълумотлардан фойдаланиш масалалари устида тўхталади. Матндан талабалардан ташқари география ўқитувчилари, топонимика билан қизиқувчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

**Муаллиф :**

**ўқитувчи: С.Абдурахманов.**

**Такризчилар:**

**г.ф.н. доцент А.Назаров .**

## Сўз боши

Ер юзида миллионлаб географик номлар-топонимлар мавжуд. Ер юзидаги ҳар бир географик объект, ҳодиса ва воқеанинг ўз номи бор. ҳар бир денгиз, ҳар бир дарё, ҳар бир тоғу чўққи, ҳар бир шаҳар, қишлоқ, ҳар бир даҳа, ҳар бир маҳалла, кўча ўз номига эга. Географик номларга шундай ўрганиб кетганмизки, ҳатто уларнинг мавжудлигини ҳам унутиб қўямиз. Фараз қилайлик, бир зум географик номлар йўқолиб қолди деб. Ким қаерга боришини ҳам, қаердан келаётганини ҳам, ҳатто қаерда яшашини ҳам билмай қолади. Географик номлар ҳаёт зарурияти бўлиб қолган.

Географик номлар асосан икки хил бўлади: айрим географик объектни билдирувчи атоқли от, ном ва географик объект ҳамда воқеа, ҳодисаларнинг, умумий номини билдирувчи турдош отлар. Атоқли географик номлар топонимлар дейилади. Юнонча топос-жой ва онома-исм, ном сўзлардан ташкил топган.

Топонимларга, уларнинг келиб чиқиши, маъноси, ўзгариши, талаффуз қилинишига кишилар жуда қадим замонлардан қизиқиб келишган. ҳар бир географик ном орқасида қанчадан-қанча воқеа ва ҳодисалар, табиий ҳодисалар, табиий хусусиятлар, халқ, қабила, уруғ, айрим кишилар фаолияти ҳақидаги тарихий маълумотлар яшириниб ётади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тяньшан, Помир, Амударё, Қизилқум номларида қанча воқеа, ҳодисалар, тарих яшириниб ётибди, нега улар шундай номлар билан аталади?

ҳар бир киши, аввало, ўз жойи-шаҳри, қишлоғи, маҳалласи, кўчаси номини, уларнинг қандай ҳодиса, воқеа, табиий хусусият, қандай инсон номи билан боғлиқлигини билишни истайди. Нега ҳиндикуш, Ажал водийси, Борсакелмас, Дашти марғоҳ, Дашти Лут, Ўлик денгиз дейилади? Чет эллардаги номларнинг баъзиларини ўзбек тилига таржима қилинса, ғалати, баъзан бемани номларни кўрасиз. Кривой Рог-Эгри шоҳ, Тбилиси-Қайнар булок, Владивосток-Шарқни эгалла, Великие Люки-Катта ёйлар, Лос Анжелес-«Бизнинг жаноби олийлари фаришталар қироли» ва ҳ.к.

Жой номларини ёзишда ҳам нозик томонлари бор. Баъзан бир ҳарф ўзгариши билан тамомила бошқа жой тушунилади. Масалан: Аму-Амур, Австрия-Австралия, Рига-Рица, Журжон-Жузжон, Мари-Марий, Нева-Нива ва бошқалар.

Буларнинг ҳаммасини топонимика фани ўрганади. Топонимика ҳам юнонча топос ва нома сўзларидан ҳосил бўлган. Бу фан географик номларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, ўзгаришини, уларнинг мазмуни, шакли ва тўғри ёзилишини ўрганади. Топонимика география, тарих ва тилшунослик (лингвистика) фанлари ўртасидаги фан бўлиб, улар билан жуда боғланган. Бу фанларнинг тадқиқот услубларидан фойдаланиб иш кўради.

Географик воқеа, ҳодиса ва объектларнинг умумий номини, турдош отларни, яъни атама (термин)ларни географик атамашунослик ўрганади.

ҳар бир фаннинг атамаларини ўрганувчи атамашунослик (терминалогия) фанлари мавжуд. Географик атамашунослик географик атамаларнинг маъноси, келиб чиқиши (этимологияси), ўзгариши, тўғри ёзиш, манбаларини ўрганади. ҳар бир фанни чуқур ўрганиш унинг атамаларини қанчалик тўғри ва тўлиқ билишга боғлиқ.

Жой номларини ўрганувчи мутахассислар топонимистлар деб, атамаларни ўрганувчи мутахассислар атамашунослар (терминологлар) деб юритилади.

Топонимика ва атамашуносликка оид маълумотлар кишилар билимини жуда кенгайтиради ва маданий савиясини ўстиради. Деярли барча буюк кишилар, алломалар топонимика ва атамашуносликка оид маълумотларга жуда қизиққанлар ва ўзлари ҳам фаннинг бу соҳалари билан шуғулланганлар.

География дарсларида топонимика ва атамашуносликка оид маълумотлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фанга қизиқишини кучайтиради ва чуқур билим олишларига ёрдам беради.

### **Топонимик атамалар ва тушунчалар**

ҳар бир фанни, шу жумладан топонимикани ҳам пухта ўрганиш учун унинг атама ва тушунчаларини билиш зарур. Топонимиканинг ўзига хос атама ва тушунчалари мавжуд. Буларнинг энг муҳимлари қуйидагилар:

Аббревиация-географик номларнинг қисқартирилган шакли: ХХР, АҚШ, МАР, БАМ, Донбасс, Кузбасс, РФ ва бошқалар.

Антоним номлар-бир-бирига тескари маъноли географик номлар: Оқдарё, Қорадарё, Кунгай Олатоғи, Терскай Олатоғи, Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оқтоғ, Қоратоғ ва бошқалар.

Антропоним номлар-кишиларнинг исми, фамилияси, тахаллуси, лақамидан олинган номлар: Навоий ш. Беруний тумани, Искандаркўл, Вашингтон ш., Сухэ-Батор, Пушкино ш., Амир Темур кўчаси.

Ареалли номлар-бир хил қўшимча ёки топотерминлар иштирокида ясалган географик номлар жойлашган ҳудуддаги топонимлар: кент, тепа, кўрғон атамалари иштирокида ясалган номлар тарқалган ҳудуд. Масалан: Тошкент вилоятида кент атамаси ёрдамида ясалган номлар кўп: Алимкент, Ғазалкент, Заркент, Тошкент ва бошқалар.

Бирламчи ва иккиламчи номлар. Бирламчи номлар асл номлар. Масалан: Чирчиқ дарёси. Иккиламчи номлар ном кўчишидан ҳосил бўлади. Чирчиқ шаҳри. Ном дарё номидан шаҳарга кўчган.

Гибрид номлар-турли қисмлари турли тилдаги сўзлардан иборат бўлган мураккаб географик номлар: Кўхитантоғ, Гугурттоғ.

Гидроним-океан, денгиз, кўл, дарё, сой, булоқ, қудуқларнинг номи: Сирдарё, Учқудуқ, Қоракўл, Ғовасой, Волга, Чирчиқ, ва бошқалар.

Детопонимизация-географик номларнинг терминларга, оддий турдош отларга айланиши: Гейзер булоғи номидан гейзер термини, Вулкан ороли

номидан вулқон атамаси, Карст райони номидан карст термини ҳосил бўлган ва ҳ.к.

Дромоним-йўллар билан боғлиқ номлар: Янгийўл, Буюк ипак йўли, Тошкент –Термиз йўли.

Индикатор (топонимикада) топонимларни ҳосил қилувчи маҳаллий географик терминлар: қум, тепа, қўрғон, дарё, сув, кент, ва бошқалар.

Макротопонимлар-Кўпчиликка маълум бўлган, тез-тез тилга олинадиган йирик номлар: Европа, Осиё, Тяншан, Тинч океан, Сибир ва бошқалар.

Микротопонимлар-майда географик номлар: маҳалла, кўча, мавзе, бекат, гузар номлари.

Мемориал номлар-буюк кишилар номи, йирик воқеалар билан боғлиқ бўлган номлар: Навоий, Беруний, Вашингтон, Пушкин, Магеллан, Ғалаба чўққиси ва бошқалар.

Метафора номлар-кўчма маънода ишлатиладиган, таърифий, ўхшатма номлар: Одамтош, Қуйтош, Қирққиз, Темир дарвоза, Жинкўча.

Метафора атамалар (терминлар): бўғиз, бўйин, оғиз, этак ва бошқалар.

Ойконимлар-аҳоли яшайдиган жойлар (шаҳар, қишлоқ, овул) номлари: Тошкент, Қибрай, Заркент, Қўтоновул ва бошқалар.

Оронимлар-ер юзаси рельефи шакллари, (тоғ, тизма, водий, текислик, қирлар) номлари: ҳимолай, Тяншан, Помир, Чотқол, Фарғона водийси.

Спелионим-ғорлар, унгурларнинг номи: Қирқтоғ , Қўнғир, Одамтош, Мамонт ғори ва бошқалар.

Топоним-хусусий географик номлар, латинча *topos* –жой, *опома*-исм, ном сўзларидан олинган.

Топоном-географик номлардан пайдо бўлган янги сўзлар, турдош отлар: дока, тюл, бостон, балонья, паплин, крепдешин ва бошқалар.

Топонимия-маълум ҳудуддаги жой номлари йиғиндиси. Масалан, Тошкент вилоятидаги барча жой номлари Тошкент вилояти топонимияси дейилади.

Топотермин-жой номларини ҳосил қилувчи терминлар (атамалар). Масалан, дарё, сой, тепа, қўрғон, кент, обод, бург, град, сити ва бошқалар: Каттақўрғон, Оқсой, Ғазалкент, Янгиобод.

Топоформант-географик номлар ҳосил бўлишида иштирок этадиган, лекин ўзи муайян маънони англатмайдиган қўшимча ва суффикслар. Масалан, Чилонзор, Мисгарлик, Хизматчи, Оҳангарон, Орск, Бийхем, Сатино ва бошқалардаги зор, гар, чи, гарон, ск, хем, о.

Транскрипция-географик номларнинг тўғри ёзилиши.

Эксоним-ёзилиши ва талаффузи одат (традицион) бўлиб қолган географик номлар.

Этноним номлар-халқлар, қабилалар, уруғлар, номидан келиб чиққан географик номлар: Малик, Бўка, Туркқишлоқ, Сирғали, Тожикистон.

## **Топонимика ва атамашуносликнинг ривожланиш тарихидан**

Географик номларнинг маъносини, уларнинг келиб чиқишини, ўзгаришини билишга қизиқиш жуда қадим замонлардан бошланган. Топонимикага ва атамашуносликка оид маълумотлар қадимги дунё олимлари асарларида кўплаб учрайди. Чунончи, Геродотнинг “Тарих,” Страбоннинг “География”, Помпония Меланинг “Хорография”, Плинийнинг “Табиий тарих” номли асарларида кўпгина топонимик маълумотларни учратиш мумкин.

Шарқда, жумладан, Туркистонда ҳам топонимика ва географик атамашуносликка қизиқиш қадимдан бошланган. Юсуф Хос хожибнинг “Қутадғу билик”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни Маъсудий”, “Ҳиндистон”, “Сайдана”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Ибн Синонинг “Денгиз қирғоқлари” асарларида топонимика ва атамашуносликка оид жуда кўп маълумотларни топиш мумкин. Топонимик маълумотлар муаллифи ноаниқ “ҳудуд ал-олам” номли географик асарда ҳам мавжуд. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари мумтоз ўлкашунослик асари бўлиши билан бирга унда топонимикага ва атамашуносликка оид жуда кўп маълумот бор.

Географик номлар этимологиясини ва атамаларини ўрганган дастлабки энг йирик олим Маҳмуд ибн ҳусайн ибн Маҳмуд Кошғарий бўлган. Маҳмуднинг отаси ҳусайн ва бобоси Муҳаммад Иссиққўл бўйидаги Барсғон шаҳридан бўлишган. Отаси хизмат юзасидан Кошғарга кўчиб бориб, ўша жойда яшаган. Шу туфайли Маҳмуднинг исмига Кошғарий таҳаллуси қўшилиб қолган. Маҳмуд Кошғарий Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, шаҳарларида бўлган. Сўнгра Бухородан Бағдод шаҳрига келиб, у ерда бир неча йил яшаган.

Ўз асари Девону луғатит турк асарини ёзишдан аввал бир неча йил саёҳатда бўлиб, Қора денгиз бўйларида Хитойгача саёҳат қилган. Турли қабилаларни ўрганган, табиат, аҳоли унинг ҳўжалиги, урф-одатлари, тили, атамаларини, жой номларини ўрганган. Сўнгра ўзининг мазкур шоҳ асарини ёзган.

Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда (1072-1077йиллар) ёзилган 3 жилдли «Девону луғатит турк» асари узоқ вақт йўқолиб қолган. 1914 йилда бир бева камбағал аёл Туркиянинг Диёрбакр шаҳридаги китоб дўконига эски бир китобни олиб келиб сотмоқчи бўлади. Лекин китоб нарҳи ҳақида «Марҳум айтган эдиларки, агар қийналиб қолсангина шу китобни сотгин, лекин нарҳи 30 лирдан кам бўлмасин» деганлар дейди. Китоб узоқ вақт сотилмай, охири Диёрбакрлик китоб ишқибозларидан Али Амирий сотиб олади. У китобни ўқиб чиқиб, китоб ҳақида «Китоб олдим, уйга келдим, емак-ичмакни унутдим. Бу китобга ҳақиқий қиймат берилмак бўлса, жаҳоннинг ҳазиналари кифоя қилмас» деб ёзган. Бу китоб ўша «Девону луғатит турк» эди.

Маҳмуд Кошғарий мазкур китобда ўша вақтда туркий халқларда амалда қўлланилган жуда кўп атамаларни келтириб, уларга изоҳ беради. Булар орасида ҳозир ҳам ўзбек тилида қўлланиладиган атамалар кўп. Масалан, ариқ, буз (муз), булут, ёз, ёмғир, кечик, кент, куз, кун, кўк, қўл, ой, орт, оқин, оқинди, сел, селинди, сув, сувлоқ, тош, тоғ, туз (текис), туман унгур, чақмоқ, яйлоқ, яшин, қайир, қоқ, қир, қиш, қишлоқ, қор, қўлтиқ, қум ва бошқалар. «Девон»да ҳозирги вақтда ўзбек тилининг фаол фонидан тушиб қолган атамалар ва уларнинг изоҳлари мавжуд. Масалан, азиз тоғ-ошиб ўтиб бўлмайдиган баланд тоғ, болдир тоғ-тоғ бурни, булут суйилди-булут тарқалди, булут кўрланди-осмонни ёғинсиз юпка булут қоплади, чаланг ер-қора ер, беўт, шўр ер, сағизлик ер-соғ тупроқли ер, тоза тупроқ, тоз ер-орик, ҳосилсиз ер, қайир ер-текис, юмшоқ тупроқли ер, қазған ер-ўнқир-чўнқир ёрилиб кетган ер, сузук сув-кўм-кўк сув, сувлоғ-сув йўли, ҳайвонлар сув ичадиган жой, соғ сув-ширин сув, тоза сув, тамғатармоқ, дарё тармоғи, қўруғ-қўриқхона.

X-XI асрларда яшаган Абу Райҳон Беруний ўз даврининг буюк олим-астроном, математик ва географ бўлган. У 973 йил 4 сентябрда Хоразмда Кот (ҳозирги Беруний) шаҳрининг чеккасида туғилган ва 1048 йилда 75 ёшда Ғазнида вафот этган. Унинг илмий мероси орасида топонимикага оид маълумотлар кўп учрайди. Унинг географик ва топонимик мероси «Ат-Тафҳим», «Қонуни маъсудий», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Минерология», «Осари боқия», «Сайдана» китобларида келтирилган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида топонимика қонуниятларига оид бир қанча фикрлари мавжуд. Чунончи, юнонлар ва араблар туркий сўзларни бузиб, ўз талаффузларига мослаб ишлатганликлари оқибатида айрим сўзларнинг маъноси ўзгариб кетганини айтади. Масалан, туркийча тош сўзини араблар шош деб талаффуз қилишидан маъно ўзгарганини айтади. «Сайдана» китобида 400дан ортиқ қишлоқ, тоғ, дарё, шаҳар ва ороллар номлари тилга олинган. «Қонуни Маъсудий» китобида 603та жой кўрсатилган.

Абу Райҳон Беруний Мўлтон шаҳри номига қуйидагича изоҳ берган (Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, 1985): «Мўлтоннинг (асл) номи Кошияпура эди. Кейин Хансапура, кейин Багапура, кейин Санбҳапура ва кейин Мўластхона, яъни «Асл жой» деб номланади; мўл-«асл», тона-«жой» демакдир» дейди. «Минерология» китобида конларнинг географик тарқалиши, қайси тошнинг қайси тоғ, қайси дарё водийси ва қайси қишлоқдан қазиб олинishi ҳақида ёзиш билан бирга айрим тош, минералларга изоҳ ҳам берган. Берунийнинг дунё харитасида қириққа яқин жой номлари берилган.

XI асрда яшаб, ижод қилган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутайдғу билиг» китобида географияга оид кўп атамалар келтирилади. Масалан, арт (арт, орт, довон, ошув), ботар (ғарб), буз (муз), булоқ (булоқ, чашма, қайнар), ёз (баҳор), ёзи (дала), ёй (ёз-фасл), кечиг (кечув, гузар), кўс (довул), сабо (майн шабода), тариғлиғ (экинзор), машрик (шарқ), ол (булоқ), ўбри

(чукурлик), куз, кус (терскай) атамалари тушунтирилади. ҳозир ҳам бу атамаларнинг кўпчилиги жонли тилда қўлланилади.

Муаллифи номаълум «худуд ал Олам» (Ҳаср) китобида ҳам география, топонимика ва атамашуносликка оид маълумотлар кўп. Бу китобда Бухоро, Фароб, Пойкент, Сўғд, Тавовис, Кармина, Дабуси, Арбинжон, Кушония, Самарқанд, Кеш, Термиз, Зомин, Жиззах, Фарғона, Ахсикат, Кубо, Шош, Кот ва бошқа жойлар ҳақида маълумотлар бор.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483 йил 14 феврал-1530 йил 26 декабр) «Бобурнома» китоби мумтоз ўлкашунослик китоби бўлиши билан бирга, унда топонимикага ва атамашуносликка оид маълумотлар жуда кўп. Хусусан Фарғона водийсидаги географик номлар маъноси, этимологиясига алоҳида аҳамият берилган. Андижон, Кандибодом, Исфара, Хўжанд, Аҳси, Хо дарвеш, Сайхун, Марғилон ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд.

Булардан ташқари, Абу ҳайён (XIII-XIV асрлар), Жалолиддин Туркий (XIV-XV асрлар), Мирзо Улуғбек (XIV-XV асрлар), Абулғозихон (XVI аср), Қори Раҳматулла Бухороий (Возих) (XIX аср) асарларида топонимикага ва географик атамашуносликка оид маълумотлар келтирилган. Бу жиҳатдан Абулғозихоннинг «Сажараи турк», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Қори Раҳматулла Бухороийнинг «Хотиралар», «Сайрам рисоласи», номли асарлари айниқса диққатга сазовардир.

Мамлакатимизда топонимика ва географик атамашуносликнинг XX асрдаги ривожланишида маҳаллий тадқиқотчи олимлар билан бирга Туркистонни ўрганган рус олимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Булар орасида Туркистонни ўрганган олимлардан В.В.Бартольд, В.П.Семёнов Тяньшанский, Э.М.Мурзаевларни алоҳида кўрсатиш мумкин. В.В.Бартольд ўзи тарихчи, унинг топонимикага оид махсус иши йўқ. Топонимика маълумотлари 9 жилдли тарихий асарида учрайди. Унинг жой номларини тушунтиришлари содда, анча аниқ ва кўпи ишонарлидир. У ўз асарларида маҳаллий географик терминлардан яхши фойдаланади. Унинг асарларида ариқ, жўй, ком, қир, рабод, тархон, тўрткўл, шаҳристон, юрт каби атамалар талқини берилган.

В.П.Семёнов Тяньшанскийнинг «Аҳоли пунктларининг маҳаллий номларида географик манзара қандай акс этади» (1924 йил) асари топонимик жиҳатидан қизиқиш уйғотади. Бу асарда муаллиф географик номларнинг пайдо бўлишида табиий шароитнинг таъсири ҳақида ёзади.

Э.М.Мурзаев йирик географ олим, топономист. У Туркистон, Синжон, Мўғулистондаги географик номлар ва атамаларни ўрганган. Унинг «Халқ географик атамалари луғати» асари атамашуносликда катта ўрин тутаяди. Унда маҳаллий географик атамалар маъносини очиб беради. Унинг «Ўрта Осиё» китобида 100дан ортиқ географик номнинг изоҳи берилган. Масалан, Оқсув, Олой, Амударё, Орол, Бодхиз, Дарвоз, Қорақум ва бошқалар.

Туркистон ўлкасидаги географик номларни ўрганишда венгриялик олим Армений Вамберий (1832-1913) хизмати катта. Туркистонга маҳфий

саёҳат қилган бу олимнинг «Бухоро тарихи», «Марказий Осиёнинг географик номлари» китоблари диққатга сазовор. Унинг луғатида 600га яқин географик ном ва атама берилган.

Ўзбекистонда топонимика ва географик атамашуносликни ривожлантиришда ҳ.х.ҳасановнинг хизматлари катта (1919-1985). Унинг топонимикага оид фикр, мулоҳаза ва маълумотлари «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» (1965), «Географик номлар имлоси» (1962), «Ер тили» (1977), «Географик номлар сири» (1985) асарларида, атамашуносликка оид ишлари «География терминлари луғати» китобида, география ва атамашунослик тарихига оид ишлари «Ўрта Осиёлик географ сайёҳлар» (1964), «Сайёҳ олимлар» (1981) китобларида, бир қатор рисолалар ва кўпдан-кўп мақолаларида ўз аксини топган. Бу олимнинг топонимикага оид китобларининг иккинчи қисми изоҳли луғатлардан иборат бўлиб, бу мазкур асарлар қийматини яна ҳам оширади.

Туркистон ўлкаси, хусусан, Ўзбекистон топонимларини тадқиқ этган яна бир тадқиқотчи С.Қораевдир. Бу тадқиқотчи топонимларнинг этимологиясига оид анча иш қилган. У топонимларни, хусусан этнотопонимларини чуқур ўрганган. Унинг илмий хулосалари «Жой номлари маъноси», «Жойингиз номи маъносини биласизми», «Тошкент топонимлари» китобларида баён этилган. Ўзбекистондаги жой номларини ўрганишда филолог тадқиқотчиларидан Эгамов, Дўсимов ва Т.Нафасовлар ишлари ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

### **Географик номларнинг пайдо бўлиши**

Топонимларнинг пайдо бўлиши масаласи бир қарашда жуда оддийга, ҳеч қандай қонуният йўққа ўхшайди. Бир қанча мисоллар келтирайлик. Россия империяси вақтида рус қўшинлари босиб олган жойларда руслар маҳаллий аҳоли билан бирга яшашни ўзига эп кўрмай, ҳар бир йирик шаҳар яқинида рус шаҳарини қурган ва эски шаҳар ёнида янги шаҳар-«город» пайдо бўлган. Ўзбекистондаги ҳар бир йирик шаҳар яқинида янги шаҳар-город бўлиб, улар энди-энди шаҳарга қўшилиб кетиб фарқ йўқоляпти. Шундай шаҳарлардан бири Марғилон шаҳридан 12км масофада қурилиб, унга Новўй Маргелан деб ном қўйилган. Дукчи Эшон бошчилигидаги қўзғолон бостирилганидан кейин қўзғолонни бостирган генерал Скобелев шарафига шаҳар Скобелев шаҳари деб аталадиган бўлди. Совет даврида Фарғона деб ўзгартирилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Оҳангарон водийсида бунёд этилган кончилар шаҳарчасига Оҳангарон дарёсининг русча бузиб айтилган номи Ангрен қўйилди.

Самарқанд яқинидаги Қириқтоғда топилган ғорга украиналик ғоршунослар Киев ғори деб ном қўйишган. 1482 йилда сайёҳ олим Бортоломео Диаш бошчилигидаги экспедиция Африкани айланиб ҳиндистонга бормоқчи бўлади. Материкнинг жанубий-ғарбий қисмидаги бурун яқинида каттиқ довулга дуч келиб, у ердан ўтолмай орқасига қайтади ва бурунга «Бўронлар бурни» деб ном беради. Португалияга

кайтганида уни мамлакат кироли қабул қилиб, харитадаги «Бўронлар бурни» номини ўзгартириб, «Яхши умид» деб ёзиб қўяди. Шу билан «Яхши умид» бурни номи пайдо бўлади.

Дунай дарёсининг икки қирғоғида иккита шаҳар Буда ва Пешт шаҳарлари бунёдга келган. Кейинчалик улар қўшилиб кетди. Шаҳар иккала ном қўшилиб, Будапешт деб аталадиган бўлди. Покистон давлати номи ҳам ўзига хос йўл билан пайдо бўлган. 1931 йилда ҳиндистон Англия мустамлакаси даврида ҳинд мусулмонларидан ва миллий ҳаракат раҳбарларидан бўлган Чоудри Раҳмат Али янги ислом давлати барпо қилиш режасини таклиф қилиб, Панжоб, Афғония, Кашмир, Синд ва Балужистонни бирлаштиришни ўйлаган ҳамда номини мазкур вилоятлар номи бош ҳарфини олиб, унга истон суффиксини қўшиб, Покистон деб аталган.

Баъзан географик номлар ўша жойларнинг хусусиятларидан вужудга келади. Масалан, Шамолли ороллар, Шамолсиз ороллар, Полинезия (поли-кўп, незос-орол), Микронезия (микро-майда, незос-орол), Меланезия (мела-қора, незос-орол), Қорасув, Саритов, Оқтепа ва б.лар.

Баъзи географик жойлар номлари ўша жойларни тадқиқ этган кишилар номига, баъзан экспедиция кемалари номи, баъзан тадқиқотчининг яқин кишилари, подшоҳлар номи билан аталиши ҳам мумкин. Масалан, «Мод», «Фока», «Жаннета», «Витяз», «Арнем» кемалар номида ороллар, ерлар бор. Командор ороллари, Беринг бўғози, Дежнев бурни, Ливингстон шаршараси ва бошқалар.

Бу келтирилган мисолларда географик номларнинг пайдо бўлишида қонуниятлар мавжудлиги кўзга ташланмайди. Аслида бир қанча қонуниятлар мавжуд. Булар қуйидагилар:

1.Кўпгина географик номлар тил тараққиётининг дастлабки даврида оддий турдош отлардан иборат бўлиб, кейинчалик, вақт ўтиши билан атоқли отларга-географик номларга айланиб кетган. Масалан: илгари одамлар оддийгина сув, сой, дарё, кўрғон, кент, кўл, тўқай деб атаганлар. Кейинчалик бу оддий сўзлар географик номга айланган. Буларга Амур, Жайхун, Дон, Эдил, Ганга, Ўқуз, Нил, Шотт номлари мисол бўлади. ҳаммасининг маъноси битта, сув демакдир. Айдар Қир, Яйла Яйлов, Чинк Жарлик, Альп Тоғ, Рио Сув, Хинган Тизма ва бошқалар.

2.Оддий сўзларга, топонимларга аниқловчи қўшиш йўли билан географик номлар ҳосил бўлади. Бунда аниқловчи сифат сўз туркумидан, отдан, сондан, равишдан, сифатдошдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, сифат қўшиш йўли билан ҳосил бўлган топонимларга Янгиқўрғон, Каттақўрғон, Оқмачит, Кўктерак, Янгиобод, Қорадарё, Оқдарёни мисол қилиб келтириш мумкин. От қўшиш йўли билан Қумқўрғон, Тошқалъа, Тахтақўприк, Тошкент, Чимкент, Шоштепа, Ғазалкент топонимлари вужудга келган. Сон қўшиш йўли билан ҳосил бўлган топонимларга Еттитерак, Бешқайрағоч, Учтом, Қўштут, Яккатут каби топонимларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Қайнарбулок, Хўжабакирган, Куйганёр каби топонимлар отга равишдош қўшилишидан ҳосил бўлган.

3. Географик номларнинг бир объектидан иккинчи, баъзан учинчи, тўртинчи объектларга кўчиши натижасида янги жой номлари вужудга келади. Масалан, Сирдарё дарёси, Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳари, Сирдарё тумани, Чирчиқ дарёси, Чирчиқ шаҳари, Оҳангарон шаҳари Оҳангарон дарёси, Зарафшон дарёси, Зарафшон шаҳари, Фарғона водийси Фарғона вилояти. Айрим дарёлар бўйидаги шаҳарлар номи дарё номига суффикс қўшиш йўли билан ҳосил бўлган. Масалан, Ангара дарёси, Ангарск шаҳри, Томь дарёси, Томск шаҳари, Урал дарёси, Уралск шаҳари, Иж дарёси, Ижевск шаҳари, Орь дарёси, Орск шаҳари.

4. Кўпчилик мамлакатларнинг номлари халқлар номига ия, истон суффиксларини қўшиш йўли билан ҳосил бўлган: Туркия, Испания, Финландия, Венгрия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқалар. Лекин айрим давлатлар номининг ясалишида ия, суффикси халқлар номига эмас, балки бошқа сўзларга ҳам қўшилиши мумкин. Масалан, Бразилия (бразил ўсимлик номи), Колумбия (Колумб машҳур сайёҳ), Исландия (исланд-муз мамлакати).

5. Географик объектларга ном қўйишда ўхшатиб номлаш ҳам мавжуд. Бу ҳар хил мақсадларда бўлиши мумкин. Чунончи Амир Темур Самарқанднинг шуҳратини ошириш мақсадида пойтахти атрофига бир қанча қишлоқлар қуриб, ўша вақтдаги машҳур шаҳарлар номини қўйган: Дамашқ, Париж, Шероз, Бағдод, Миср ва бошқалар. Буларнинг баъзилари ҳозир ҳам номини сақлаб келади. х.х.ҳасанов келтирган маълумотга кўра, Ер юзида 18та Америка, 13та Венгрия, 9та Канада, 5та Бразилия, 3та Италия, 7та Венеция, 4та Прага, 4та Киев номлари мавжуд экан. (х.х.ҳасанов, 16). Америкада Москва, Париж, Лондон, Уэльс, Ньюкинал ва бошқа шаҳарлар мавжуд.

6. Географик номлар умумлаштириш йўли билан, яъни кичик жой номини катта ҳудуд ёки объектга кўчириш натижасида ҳам вужудга келади. Бунга мисол қилиб Осиё номини келтириш мумкин. Қадимда Осиё (Осу) деб Ливан, Пластина, Сурия жойлашган кичик ҳудуд аталар эди, кейинчалик бу ном бутун қитъа номига айланди. ҳозирги Тяньшан деб аталадиган тоғларнинг умумий номи бўлмаган, ҳар бир тоғ тизмаси ўз номи билан Чотқол, Қурама, Кўкшағал, Талас, Фарғона ва бошқа номлар билан аталар, фақат Тяньшаннинг марказий қисми Тангритоғ, Хонтангри, деб аталар эди. Хитойлар Тангритоғни ўз тилига таржима қилиб, тяньшан деб атаган. Кейинчалик бу ном бутун тоғ тизимининг умумлашма номи бўлиб қолган. ҳудди шундай Европа, Африка номлари ҳам умумлашма номдир.

7. Таржима қилиш йўли билан ҳам шаклланиб, янги номлар пайдо бўлади. Бундай номлар бир жойда турли халқлар яшайдиган ҳудудларда ёки бир географик объект (хусусан дарё, тоғ тизмалари) турли халқлар, ҳудудлардан ўтадиган жойларда учрайди. Бундай географик номларга Қора денгиз-Чёрное море, Қорасув-Сиёҳруд, Қизилсув-Сухроб, Илонўтти-Моргузар, Балиқчи-Рибачье, Мовароуннаҳр-Дарё ораси, Қизил денгиз-Баҳри муҳит Аҳмар-Красное море, Янгикент-Деҳинов, Темир Дарвоза-

Железнўе ворота, Шайтонмакон-Чёртово городиҳе ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

### **Географик номларнинг оддий сўзларга айланиши (детопонимизация)<sup>1</sup>**

Географик номлардан турли хил оддий сўзлар-атамалар, турдош отлар вужудга келадиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Мамлакатлар, шаҳарлар, қишлоқлар, табиий географик объектлар номларидан ҳосил бўлган янги сўзлар топонимлар дейилади. Топонимлар барча халқлар тилларида ҳам учрайди. Бир қанча табиий географик атамалар (терминлар) географик номлардан олинган: вулқон Ўрта денгиздаги Вулкано ороли номидан, гейзер Исландиядаги Гейзер деб аталувчи булоқ номидан, карст Болқон яриморолидаги Карст платоси номидан, Меандра Туркиядаги Мендерес дарёси номидан, дельта Нил дарёси қуйиладиган Дельта деган жой номидан келиб чиққан. Буларда географик номлар географик терминларга айланган. Баъзан географик номлардан бутунлай бошқа маънодаги сўзлар пайдо бўлади.

Болонья, жерси, бостон, крепдешин, паплин матолари номлари жой номларидан иборат. Болонья ва Паплин Италиядаги шаҳарлар, Жерси-Франция шимолидаги шаҳар, крепдешин-Хитой матоси (креп-мато, шин-Чин) ва бошқалар. Панама (бош кийим) номи Панама давлати номидан, Олимпиада, олимпиака Грециядаги Олимп тоғи номидан олинган. Ғарбий Европадаги Альп тоғлари номидан альпинизм, альпенист, альп ўтлоқлари, альп бурмаланиши, альпид каби сўзлар олинган.

Айрим геологик даврлар, бурмаланишлар, табиий ҳодисалар номлари ҳам жой номларидан олинган. Геологик даврлардан Кембрий Англиядаги Уэльс вилоятининг қадимий номи, Ордовик ва Силур Англия жанубида яшайдиган қабилалар номи, Девон Англиядаги графлик, Пермь Уралдаги шаҳар номи, Юра Франциядаги тоғлар номи, Каледон Шотландиянинг лотинча номи, Герцин Марказий Европадаги тоғлар номи ва ҳ.к. Гондвана ҳиндистондаги гонд қабиласи ва Ванд райони номидан олинган, Лавросиё Канададаги Лаврентия ва Осиё номларидан келиб чиққан.. Бир қанча кимёвий элементлар жой номлари билан аталади: франций, скандий, германий, европий, полоний, калифорний. Кўпчилик минералларнинг номи ҳам топилган жойи номи билан аталади: азорит, алебастр, амонит, арогонит, бирмит, гаванит, лабродорит, танзанит ва бошқалар. Кичик сайёралар-астроидлардан учтаси Украина, Волга, Сумианна (Суми шаҳар номидан) деб аталади.

Кўпчилик улуғ шахсларнинг исми ва тахаллуслари ҳам улар туғилган ёки яшаган жойлар номларидан олинган: Муҳаммад ал Хоразмий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Аҳмад Яссавий, Деҳлавий, Жомий, Шерозий, Хўжандий, Румий, Маҳмуд Торобий, Муҳаммад Наршахий, Рудакий ва бошқалар.

Жуда кўп кемаларга шаҳар, дарё ва бошқа географик объектлар номлари қўйилган: «Волга», «Владивосток», «Тошкент», «Грузия», «Нева»

<sup>1</sup> Мазкур билим Ш.Ш.Шасановнинг «Географик номлар сири» китобининг «Топонимлар» билими асосида ёзилди. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1985.

ва бошқалар. Автомобиллар, совуқхоналар, Кир ювиш машиналари, радиоприёмник ва бошқаларга ҳам жой номлари қўйилган. Булардан бошқа ҳам жой номлари билан аталадиган нарсалар кўп. Ўзбек тилида жой номларига боғлиқ равишда вужудга келган сўзлар жуда кўп. Чунончи маккажўхори, кўкон жўхори, хисори қўй, ангори эчки, қорақўл қўй, шибирғони узуми, қурама гуручи, шотут (шом тути), балх тут, жилон жийда (Эрондаги Гилон шаҳри), қиримиска узум (қирмизи-«қизғиш» сўзидан), Кишмиш (Эронга қарашли Кешм ороли номидан), чуст дўппи, баронас, дока, тивит (Тибет сўзидан), ироқи дўппи, ироқи совун (Ироқ номидан) ва ҳ.к.

Мамлакатимизда маҳаллий шеваларда жой номларидан ҳосил бўлган жуда кўп сўзлар мавжуд. Уларни ўрганиш сиз талабалар вазифангиз.

### **Географик номлар маъноси ҳақида**

Географик номларнинг жуда кўп эканлиги ҳақида юқорида айтган эдик. Жой номлари қанча бўлса, уларнинг келиб чиқиши тарихи, маъноси ҳам шунча кўп. Географик номлар қайси халқ тилида бўлмасин, баъзи бирларининг маъносини осонгина тушунса бўлади, баъзи номлар мураккаб бўлиб, тушуниш қийин ёки бутунлай тушунарсиздир. Баъзи бир номлар маъноси тушунарли бўлиб кўринса ҳам, лекин анча мураккаб бўлади.

Ўзбек тилидаги ранг кўрсаткичлар-қора, оқ, кўк, сариқ сўзлари топонимлар таркибида камдан-кам ҳолларда шу ранг маъносида қўлланилади. Масалан, қора сўзининг ёмон, ер, шарпа, паст, шимол, қорсиз маънолари мавжуд. Жой номи таркибида келганда ҳам у ўшандай маъноларда ишлатилиши мумкин. Масалан: Қора денгиз-«Шимолдаги денгиз», Қора тоғ-«Паст тоғ», «Қорсиз тоғ», Қорасув-«Сизот сув», «Булоқ суви» маъноларини англатади. Топонимлар таркибидаги «Оқ» сўзи ҳам оқни англатмайди. Чунончи Оқтоғ-қорли тоғ, баланд тоғ, юксак тоғ, оқтепа боёнлар тепаси, оқсуяклар тепаси, ёруғ тепа маъноларини, оққум-ўсимлик билан мустаҳкамланмаган кўчма қумни англатади.

---

Шунга ўхшаш топонимлар таркибида учрайдиган тахта, хотин, ойдin, айрон каби сўзлар ҳам бошқа маъноларда қўлланилади. Масалан: «Тахтабозор»-Текис ердаги бозор, «Хотин кўприк»-тош кўприк, «Ойдin кўл»-тоза сувли, очиқ кўл, «Айронкўл»-лойқа сувли кўл ва бошқалар.

Топонимист олимлар жой номларини ўрганиб, турли мамлакатлардаги кўплаб номларнинг пайдо бўлиши, маъноси, қандай ўзгарганлигини аниқлаб ёзган бўлсалар ҳам ҳали келиб чиқиши, маъноси, ҳатто қайси тилда эканлиги номаълум бўлган географик номлар жуда кўп. Шуларни ҳисобга олиб, ҳ.х.ҳасанов (1985 й.) географик номларни аён номлар, яъни қайси тилдагилиги, маъноси, нима учун шундай аталганлиги ўзидан англашиб турадиган номларга ва ноаён номлар, яъни қайси тилдагилиги, маъноси, нега шундай аталгани аниқланмаган номларга ажратади.

Айиртов, Боғишамол, Жарарик, Чукурсой, Яккасарой, Америка, Колумбия, Волгоград, Австралия, Кумишкон, Олтинтопан, Янгиобод, Тинч океан, Иссиққўл каби номлар маъноси аён номлардир. Айрим жой номларининг географик ўрни, айрим хусусиятлари номнинг ўзидан англашиб туради: Кавказorti, Жанубий Оламушук, Ўрта Чирчик, Ростов-Дон, Жанубий Хитой денгизи, Задарё, Унгузорти қирлари ва бошқалар. Лекин Ладога, Фарғона, Ромитон, Гиждувон, Таймир, Колима ва бошқа номлар маъноси унча аниқ эмас.

Топонимлар орасида баъзан Учкудук, Бешқўрғон, Қўштут, Еттитерак каби аниқ, тушунарли бўлиб кўринса ҳам, аслида бошқа маъно англатадиган номлар ҳам бор, чунончи Бешарик, Олтиарик аслида Пешарик, Ортарик сўзларидан келиб чиқиб, кейин ўзгарган. Ёнғок, Кўктерақ, Тошкент, Толдиқўрғон, Олмалик, Белград каби топонимларда ҳам ноаниқлик мавжуд. Ёнғок деган жойда ёнғокзор бўлганми ёки бир туп ёнғок ўсганми, Тошкентда шаҳар пайдо бўлганда ҳамма бинолар тошдан қурилганми ёки бир қўрғон тошдан бўлганми ёки шаҳарни тош девор билан ўралганмиди. Булар ноаниқ.

### **Топонимларнинг пайдо бўлиши ва хусусиятига кўра турлари**

Географик жой номлари жуда турли-туман, баъзи номлар ғаройиб, ғалати. Уларнинг келиб чиқиши ҳам жуда хилма-хил. Уларни турларга ажратиш ҳам жуда мураккабдир. Кўпинча тил қоидалари нуқтаи назаридан турларга ажратилади. Яна шаклланиш босқичларига, бунёдга келишига, нималар билан боғланганлигига кўра ҳам турларга ажратилади.

Қуйидаги турларга ажратиш жой номларининг келиб чиқиши, қандай ҳодиса ва воқеаларга боғланганлигига қараб амалга оширилган. Географлар учун шундай йўл билан турларга ажратиш маъқулроқ кўринди.

#### **1. Жойнинг географик ўрнига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар.**

Масалан: Нордкап (Шимолий бурун), Северная Земля (Шимолий Ер), Хоккайдо (Шимолий орол), Жануби-Шарқий бурун, Шимолий денгиз, Шарқий Сибир денгизи, Ўрта денгиз, Шарқий Хитой денгизи, Рио-Гранде дел-Норте (Шимолий катта дарё), Орқа Олой, Ғарбий Двина ва бошқалар.

**2. Айрим географик номлар ўша жойнинг, географик объектнинг ўзига хос хусусиятларидан пайдо бўлади.** Бундай номлар орасида рельеф шаклларига боғлиқ номлар анча кўп учрайди. Қримдаги Айиқтоғ, Туркиядаги Тавр (грекча буқа) тоғи, Шимолий Муз океанидаги Шпицберген (Найзатоғ), Дунай водийсидаги Темир дарвоза (дара номи) шулар жумласидан. Бизнинг ўлкамиз-Туркистонда бундай номлар кўп. Қумтепа, Эгартош, Белисиниқ тизмаси, Одамтош, Супатоғ, Бешиктош, Йўғонтепа, Ўрадарё, Тўрғай супасимон ўлкаси, Чукурсой, Қўйтош буларга мисол бўлади.

Рельефдан бошқа хусусиятларга кўра пайдо бўлган номларга Қизил денгиз, Оқ денгиз, Ўлик денгиз, Сарик денгиз, Исландия (Муз ўлкаси), Монблан (Оқ тоғ), Иссиққўл, Кунгай Олатов, Терскай Олатов, Боғишамол,

Қорақум, Қорақурум, Шамолли ороллар, Шамолсиз ороллар, Полинезия, Микронезия, Меланезияни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**3.Сув билан боғлиқ номлар** (гидронимлар). Океан, денгиз, дарё, кўл, музлик, булоқлар номлари гидронимлар дейилади. Гидронимлар ҳам сувнинг хусусиятларига кўра турлича бўлади. Дарё, кўл, булоқ ва қудуқлар сувининг ранги, шўрлиги, тоза(тиниқ)лиги, чуқурлиги ва бошқа хусусиятларга қараб ҳар хил.

Ер ости сувларидан, сизот сувлардан ҳосил бўлган дарёлар Қорасув, Қорадарё деб, тоғлардаги қор ва музлардан сув олувчи дарёлар кўпинча Оқдарё деб, суви тиниқ, тоза бўлса Кўксув деб, лойқа сувли дарёлар Сарисув, Хуанхэ(Сарик дарё) деб ном олган.Тиниқ ва тоза сувли кўллар Ойнакўл, Кўккўл, лойқа сувли бўлса, Айронкўл, шўр бўлса Шўркўл, Аччиккўл, Аччикўл деб номланади.

Фарғонадаги Тентаксой, Сурхондарёдаги Жиннидарё баҳорги тошқин вақтида жўшқин бўлиб, ўзанини ўзгартириб, қирғоқларини бузиб оққанлиги учун шундай ном олган. Булоқ ҳамда қудуқлар номи кўпинча сувнинг хусусиятлари-харорати, тозаллиги, таркибида қандай минераллар, тузлар мавжудлигига қараб, ер остидан қандай тарзда чиқишига қараб кўйилади. Масалан:Шўрбулоқ, Кўтирбулоқ,(суви таркибида олтингурут мавжуд), Обираҳмат(шифобахш, суви ширин булоқ), Иссиқсув, Обигарм, Арашон, Қайнарбулоқ, Жимбулоқ. Қудуқлар ҳам худди шундай хусусиятига қараб Ширинқудуқ, Шўрқудуқ, Чуқурқудуқ, каби номларга эга. Ёғинганчилик вақтларида сув оқиб, кўп вақт қуриб ётадиган кичик дарёлар кўпинча Қуруқсой деб аталади.

**4. Ўсимликларга боғлиқ номлар.** Ўсимликларга боғлиқ ҳолда пайдо бўлган жой номлари мамлакатимизда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам кўп учрайди. Ўсимликлар билан боғлиқ номлар баъзан бирор тур ўсимликнинг кўпчилигини билдирса, баъзан камлигини, баъзан аниқ микдорини билдиради. Ўрикзор, Бодомзор, Чилонзор, Теракзор, Қатортол номлари ўша жойларда шу тур ўсимликларнинг кўп тарқалганлигини билдирса, Яккатут, Қўшчинор, Қўштут каби номлар бу тур ўсимликлар камлигини билдиради. Ёнғоқ, Кўктерақ, Толдиқўрғон, Буковина, Берёзовка, Арчақишилоқ каби номларда ноаниқлик бор.Шу жойда ёнғоқ биттами ёки кўпми, аниқ эмас. Ўсимликлар билан боғлиқ пайдо бўлган номларга Европадаги Шварцвальд(Қора ўрмон), Африкадаги Дракон тоғлари(Дракон дарахт номи), Америкадаги Флорида(ўсимлик, кўкаламзор), Осиёдаги Кокос ороллари номларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўсимликлар билан боғлиқ жой номлари микро топонимларда айниқса кўп учрайди. Тошкентдаги Олмазор, Себзор, Қорақамиш, Ўрикзор, Бодомзор, Олчазор, Олчали, Қоратол, Еттитерақ, Боғкўча, Чилонзор шулар жумласидандир

**ҳайвонларнинг номи билан боғлиқ жой номлари .** Дунё харитасида ҳайвонларга боғлиқ ҳолда вужудга келган номлар кўп учрайди. ҳозирги вақтда мавжуд бўлган бундай номларни таҳлил қилиш билан қадимда айрим ҳайвонлар тарқалган жойларни ҳам аниқлаш мумкин. Амударё

бўйида Термиз яқинидаги Маймунтўқай, Тошкент вилоятидаги Ғазалкент(Ғизол кийик), Боғистон (аслида буғустон сўзидан), Сўқоқ(оқ кийик), Илонлисой, Каптархона, Куркулдак(куш), Тошкент шаҳридаги Бўрижар, Қурбақабод, мазкур жойларда қадимда шундай ҳайвонлар кўп бўлганидан далолатдир.

Дунёнинг бошқа жойларида ҳам бундай номлар кўп учрайди. Масалан:Тинч океандаги Галапагос ороллари (галапаго-тошбақа), бу оролларда йирик тошбақалар ҳозир ҳам мавжуд. Баренец денгизидаги Медвежий ороли, Шимолий Америкадаги Катта Айик, Кичик Айик кўллари, Байкал кўлидаги Тушканьи (Маҳаллий аҳоли тилида тушкан деб куёни атайди), Туркистон ўлкасидаги Қоплонқир, Қоплонсирт номлари ҳайвонлар билан боғлиқ.

**6. Фойдали қазилмаларга боғлиқ жой номлари.** Жуда кўп жой номлари конлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Қирғизистондаги Тошкўмир, Майлисув шаҳарлари, Ўзбекистондаги Кумушкон, Газли, Тузкон, Сурматош, Тожикистондаги Олтинтопган, Қозоғистондаги Темиртов, Жезқазған, Туркменистондаги Небитдоғ, Гугуртдоғ, Уралдаги Магнитная тоғи, Магнитагорск, Соликамск, Кола ярим оролидаги Апатит шаҳари номи фойдали қазилмалар билан боғланган. Жанубий Америкадаги Анд тоғлари(Мис тоғлари), Аргентина (Аргентус-кумуш), Туркиядаги Мармара денгизи номи ҳам фойдали қазилмалар билан боғланган.

**7. Халқ, қабила, уруғлар номлари билан боғлиқ топонимлар** Одатда халқ, уруғ, қабила номлари илмий тилда этноним дейилади. Жуда кўп жой номлари этонимлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Этнонимлардан ҳосил бўлган жой номлари этнотопонимлар дейилади. Этнонимларни ўрганиб, тарихий даврларда қайси халқлар, уруғлар қаерларда яшаганини, қаерларга кўчганлигини аниқлаш мумкин.

Дунё харитасида этнотопонимлар жуда кўп. Кўпчилик мамлакатларнинг номлари халқ номидан олинган, халқ номига ия, истон кўшимчалари қўшилиб, мамлакат номи ҳосил қилинган. Масалан, албан-Албания, португал-Португалия, дан-Дания, румин-Руминия, болгар-Болгария, турк-Туркия, афғон-Афғонистон, қирғиз-Қирғизистон, татар-Татаристон, тожик-Тожикистон ва ҳ.к.

Фақат давлатлар номигина эмас, балки этонимлардан ҳосил бўлган бошқа географик объектлар номлари ҳам кўп учрайди. Масалан, Малик чўли (Малик уруғи номидан), Бараба дашти(Бараба уруғи номидан), шунингдек, Қизил шаҳари, Эри, Гурон кўллари, Кариб денгизи, Апалачи тоғлари, Айова, Делавер қабилалар номидан олинган. ҳ.х.ҳасанов «Географик номлар сири» (1985)китобда Туркистонда топонимлар ҳосил қилган уруғлардан 76тасини мисол қилиб кўрсатади. Шулардан айримларини келтирамиз:Адоқ, Анди, Арлот, Арғун, Асака, Бағиш, Бешкапа, Боёвут, Баёт, Бўка, Дўрмон, Ёрбоши, Калтатой, Малик, Минг, Митан, Мўғул, Назарбек, Найман, Нуқус, Олот, Савай, Саёт, Сарой, Тойлоқ, Узун, Чандир, Чимбой, Чигай, Чигатой, Юз, Қалмоқ, Қанғли, Қарлуқ, Қашқа, Қорахитой, Қути, Қўнғирот.

Баъзи халқлар номи аксинча мамлакат номидан олинган. Буларга индонезияликлар, австралияликлар, бразилияликлар, кубаликлар, изроилликлар, фаластинликлар, эквадорликлар, америкаликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**8.Аҳолининг касб-ҳунаридан олинган номлар** Касб –ҳунар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган географик номлар ўрта ва айниқса кичик(микро) топонимлар орасида кўп учрайди. Москва яқинидаги Химки шаҳарчаси, Сирдарё вилоятидаги Пахтакор тумани, Қашқадарёдаги Чироқчи, Деҳқонобод шаҳарлари, Бухоро вилоятидаги Қоравулбозор шаҳари шулар жумласидандир. Тошкентда Эгарчи, Ўқчи, Пичоқчилик, Заргарлик, Чопонбозор, Қаландархона. Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Авиасозлар шаҳарчаси, Тўқимачилар шаҳарчаси ва бошқалар бор. Ўрда, Хонақо, Маҳкама, Қозикўча каби топонимлар маъмуриятга тегишли ташкилотлар номидан пайдо бўлган.

**9.Шахсларнинг исм-шарифлари, таҳаллусларига қўйилган географик номлар.** Дунё харитасидаги бундай номлар тилга кирганда сайёҳ ва географлар, янги ер очуви, номаълум ўлкаларга бориб, жонини гаровга қўйган тадқиқотчи олимлар, уларнинг қилган ишлари, ёзилган асарлари, қаҳрамонликлари ҳақида кўп нарсаларни билиб олардик. Афсуски, хариталар гапирмайди. Лекин бундай топонимларда ана шундай кишиларнинг номлари мангу сақланади. Ана шунинг учун ҳам жой номларини ўзгартирганда шу номлар эгаларининг кимлигини билмасак, кўп шошмаслигимиз зарур. Дунё харитасидаги Кук, Беринг, Магеллан, Колумб, Гудзон, Ливингстон, Миклухо-Маклай, Баренц, Лаптевлар, Басс, Флиндерс, Шокольский номлари ана шундай номлардир. Жаҳон фани, маданияти, маънавияти тараққиётига буюк ҳисса қўшган алломаларнинг, ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашган, жонини фидо қилган ватанпарварларнинг номлари ҳам жой номларида мангу сақланади. Бундай номларга Беуний, Навоий, Улуғбек, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Ал Фарғоний, Фаробий, Пушкин, Вашингтон, Жалолиддин Мангуберди каби номларни киритиш мумкин.

Баъзан давлат бошлиқлари, подшоҳлар, сайёҳ ва тадқиқотчиларнинг севиқли кишилари, ҳатто қароқчилар номлари ҳам харитада абадийлашиб қолади. Масалан, Англия қироличаси Виктория, машҳур денгиз қароқчиси Дрейк номлари ҳам харитада абадийлашиб қолган.

Кишиларнинг исм-шарифи, таҳаллуси билан боғлиқ номларни меъмориал ва оддийроқ номларга ажратиш мумкин. Мемориал номларга ҳақиқатан ҳақиқий буюк кишилар, яъни замон, жамият қандай бўлишидан қатъий назар ҳурмат билан тилга олинадиган, бутун инсониятга хизмат қилган шахслар номларини киритиш мумкин. Бундай номлар ҳар қандай жамиятда ҳам сақланиб қолади. Қандай номлар мемориал эканлигини вақт белгилайди. Микротопонимлар орасида шахсларнинг исм-шарифлари, таҳаллуслари билан боғлиқ номлар жуда кўп. Лекин уларнинг кўпчилиги замон ўзгариши билан бирга ўзгариб кетади, янги номлар билан алмашинади. Бундай номлар мемориал номга киритилмайди. Генерал

Черняев номи билан аталган Черняевка, генерал Кауфман шарафига кўйилган Кауфманская станцияси, Скобелев, шўро кўмондонларидан Фрунзе, Куйбишев(шаҳарлари) номлари шундай номлар бўлиб, улар номлари алмаштирилди.

**10.Афсонавий ва диний номлар** Географик хариталарда ўша жойга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган номлар ҳам учрайди. Бундай номлар кишиларнинг эшитган эртақ ҳикоялари, ўқиган китоблари қаҳрамонлари, афсонавий маҳлуқлар номлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Бундай номларга Ўш шаҳаридаги Тахти Сулаймон, Тошкентдаги Кайкавус ариғи, Шри Ланкадаги Одамота тоғи, Уралдаги Шайтонмакон, Сирдарёдаги Фарҳод қояси, Хоразмдаги Дулдулотлаган, Шоҳимардон, Оҳангарондаги Али қояси мисол бўлади. Бундай номларни афсонавий номлар дейилади. Аслида ўзи йўқ-ку, номи сақланиб қолган жой номлари ҳам афсонавий номлар ҳисобланади. Санников Ери, Кўҳи Қоф, Яжуз-Мажуз ери ана шундай номлардир.

Динга ва дин номоёндалари номларига, диний байрамларга боғлиқ топонимлар ҳам кўп учрайди. Ўзбек тилидаги, умуман туркий тиллардаги динга боғлиқ номларга кўпинча ота, авлиё, бобо, ислом, момо, нур, зиё, шайх каби қўшимчалар қўшилади ва бундай номлар аксарият ҳолларда конкрет шахслар номлари билан боғланган бўлади: Авлиёота, Зангибува(Зангота), Чўпонота, Нурота, Шавкатбобо, Оқсоқота, Норақота, Суренота, Ялонғочбува,Исломобод, Шайх Зайниддинбобо, Хўжааландорбува, Биби Мариям ва ҳ.к.

Ғарб мамлакатларида диний географик номларда одатда сан, санкт, святой каби сўзлар қўшиб ёзилади: Сан-Марино, Сан-Томе, Сан-Франциско, Сан-Салвадор,Сантьяго,Санкт-Петербург, Святой Лаврентий, Святой Нос ва б.

**11.Ғаройиб номлар.** Баъзи бир географик номлар ғалати маъноли, кулгили, айримлари кўрқинчили бўлади. Тошкент шаҳрида Хотинкўприк, Пуштиҳаммом, Чувалачи, Яланғоч, Қорёғди, Падаркуш, Инжиқобод, Жинкўча, Каллахона, Кампирдевол, Қонқус, Моховзор каби ғаройиб номли кўча, маҳалла, мавзелар мавжуд. Дунё харитасида ҳам ғаройиб номларни кўп учратамиз. Ғалати номлардан Кривой Рог(Эгри шох), Капри(Эчки)ороли, Канар(Ит) орллари, Лаббай тоға, Чўнтакқишлоқ, Золотой Рог(Олтин шох), кўрқинчили, ваҳимали номлардан Дашти Лут(Ўлим дашти), Ажал водийси, Дашти Маргоҳ(Ўлим дашти), Борсакелмас, Ўлик денгиз, Жончиқар каби номларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Англиядаги айрим жой номлари ўзбек тилига таржима қилинса, «Раҳминг келсин», «Сўқир куёвлар», «Қурбақалар», «Зўр Муҳаббат», «Каламуш қалъа», «Кўринмай қолди» деган маъноларни беради. Бундай номларни Ўзбекистонда ҳам кўплаб учратиш мумкин: Кўкдўппи(Фарғона вилоятида), Оғзикенг, Жўжаўғри, Кампирчикди, Қоркўмди, Ғалча ва бошқалар шулар жумласидандир. Ғаройиб номлар қаерда бўлмасин ўз тарихига ва қандайдир ўзига хос хусусиятига эга бўлади.

**12.Замонавий номлар.** Географик номлар ҳам бошқа ҳамма нарсалар каби вақт ўтиши, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, табиий ўзгаришлар рўй бериши билан ўзгаради, эски номлар янгиланади, замонасига муносиб янги номлар пайдо бўлади. Обручево, Горчаково, Черняевка, Скобелев, Кауфман станциялари ва бошқалар. Ўзгартирилганини ҳамма билади.

Туркистонни Россия босиб олгандан кейин Туркистон харитасида рус босқинчи генераллари номлари, ўлка табиати, табиий бойликларини ўрганган рус тадқиқотчилари номлари билан боғлиқ географик номлар пайдо бўлди. Федченко, Корженевский музликлари, Мушкетов, Семенов, Иванов музликлари, Пётр I тоғ тизмаси каби номлар шулар жумласидандир.

Совет тузуми даврида коммунист доҳийлар, саркардалар, раҳбарлар умуман советлар тузуми вакиллари номлари жуда кўпайиб кетади. Ленин, Сталин, Маркс, Ф.Энгельс, Молотов, Ворошилов, Чапаев ва ҳ.к. номлари юзлаб жойларга қўйилди. Бундан ташқари исми-жисмига мос келмайдиган комунизм, социализм, Янги ҳаёт, Олға, Октябрь, Илғор, Қизил байроқ, Қизил қўшин ва ҳ.к. номлар ҳам жуда кўпайди.

Шу билан бирга бу даврда халқимизнинг жаҳон фани ва адабиётига улкан ҳисса қўшган номдорлари Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби кишиларнинг номлари абадийлаштирилди: Навоий, Беруний номлари шаҳарларга қўйилди. Лекин булар денгиздан томчи эди. Мамлакатимиз Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин замон ўзгарди-истиклол даври бошланди. Замонга хос янги жой номлари пайдо бўлди, ноўрин ўзгартирилган эски жой номлари тикланди ва тикланаяпти. Мустақиллик майдони, Амир Темури хийбони, Бобур боғи, Алишер Навоий сайилгоҳи, Буюк Ипак йўли метро бекати ва бошқалар шулар жумласидандир.

### **Жой номларининг тўғри ёзилиши**

Географик номларнинг тўғри ёзилиши масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала. Муҳимлиги шундаки, географик номдаги бирор ҳарф нотўғри ёзилиб қолса, маъно бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Масалан, Қорақўл(Қирғизистондаги дарё) ва Қорақўл(Тожикистондаги кўл). «Қ»нинг белгиси тушиб қолса, дарё кўлга айланиб, жойи ўзгариб кетади. Бешариқ, Олтиариқ, (Фарғона вилоятида) аслида Пешариқ ва Ортаариқ бўлган. Фонетик ўзгаришлар оқибатида бошқа маъноли топонимларга айланган. Топонимларни тўғри ёзиш масаласининг мураккаблиги шундаки, улар турли тилларда бўлиб, аслида ўша тиллар қоидаларига мувофиқ ёзилади. Бошқа тилларга ўтганда талаффузида ҳам, ёзилишида ҳам ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда географик номларнинг тўғри ёзилишига катта аҳамият берилади. Масалан, Буюк Британияда географик номлар комитети, АҚШда географик кенгаш, Белгияда Топонимика ва диалектлар комиссияси географик номларнинг қандай ёзилишини тартибга солиб туради. Россия Федерациясида энциклопедия Бош таҳририяти топонимлар ва атамалар(терминлар)нинг тўғри ёзилишини бошқаради.

Ўзбекистонда Атамалар кўмитаси ташкил этилган. Булардан ташқари топонимика комиссиялари мавжуд. Шунга қарамай географик номларнинг ёзилишида чалкашликлар кўп учрайди. Географик номларни тўғри ёзиш жуда муҳим. Бу халқнинг билим ва маданий савиясини кўрсатади. Кундалик матбуотда, хусусан газеталар, журналларда, радио ва телевиденида дарсликларимиз ҳамда бадиий адабиётда мамлакатимизга ва чет элларга доир минглаб географик номлар учрайди. Буларнинг ҳаммасининг ҳам тўғри эканлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. ҳатто давлатлар номи (шаҳар, қишлоқ ва х.к.ларни кўятурайлик) ҳар хил айтилади, ҳар хил ёзилади. Бири Олмония деса, бири Германия, бири Франция деса, бири Фарангистон дейди, бири Турция, яна бири Туркия дейди.

Кўпчилик халқларда географик номларни ёзишда транскрипция усули энг кўп қўлланилади. Транскрипция деганда географияда номларни талаффузига қараб ёзиш, яъни қулоққа қандай эшитилган бўлса, шундай ёзиш тушунилади. Топонимикада траскрипция кенгрок маънода ҳам қўлланилади. Бунда географик номлар транскрипцияси деганда талаффузига кўра ёзиш ҳам, таржима ҳам, қандай ёзиш масаласи ҳам, умуман географик номлар имлосининг барча масалалари назарда тутилади. Лекин географик номларни талаффузига қараб ёзиш кўпинча тўлиқ бўлмайди. Чунки бошқа тилларда мавжуд бўлган баъзи бир ҳарф ва товушлар ўзбек тилида бўлмаслиги мумкин. Масалан, рус тилидаги х, ў, ц, ҳарфлари ўзбек тилида йўқ. Ёки ўзбек тилида мавжуд бўлган қ,ў, ғ, х, ж рус тилида йўқ. Бундай ҳолларда тилида йўқ товушлар уларга яқинрок бўлган бошқа товушлар (ҳарфлар) билан алмаштирилади. Бундай ҳолларда транскрипция шартли фонетик транскрипция бўлади. Чет эллар тилларидаги географик номларни ёзишда баъзан транслитерация усули қўлланилади. Бунда номлар бирон бошқа тилдан кўчирилганида ҳарфма-ҳарф ёзиш, яъни чет тиллар алифбосидаги ҳарфларни ўзимиздаги ҳарфлар билан алмаштирилиб ёзилади. Сўзнинг қандай талаффуз қилиниши эътиборга олинмайди.

Географияда номларни ёзишнинг бир қанча тартиб қоидалари мавжуд.

Чет эл номларини ёзишда кўпинча транскрипция усули қўлланилади. Баъзан транслитерация усулидан фойдаланилади. Умуман, ҳар бир географик номни унинг маҳаллий тилдаги асл талаффузига яқинлаштириб ёзишга ҳаракат қилинади. Кейинги йилларда бир қанча номларнинг асли тикланди. Қозоғистондаги Шевченко Оқтов, Олмаота Алмати, Қирғизистондаги Фрунзе Бишкек, Тожикистондаги Ленинобод Хўжанд деб аталадиган бўлди.

Агар бирор мамлакат ўз номини, пойтахти, шаҳар, қишлоқ ва бошқа географик объектлари номини ўзгартиришни расмий равишда таклиф этса, ўзбек тилида ҳам ўша ном қабул қилинади. Масалан:

**Илгари номи:**  
РСФСР

**ҳозирги номи:**  
Россия Федерацияси

Белоруссия ССР  
 Қирғизистон ССР  
 ҳабашистон  
 Бирма  
 Польша Халқ Респ.  
 Целиноград

Белорус  
 Қирғизистон Республикаси  
 Эфиопия  
 Мянма  
 Польша  
 Остона

Қўшма географик номларни ёзишда кўпинча хатога йўл қўйилади. Агар географик хариталарни кўздан кечирсангиз бундай номлар бир жойда қўшиб ёзилганини (Каттакўрғон, Қорасув), бошқа жойда ажратиб ёзилганини (Мойли сув)(Ўзбекистон иқтисодий харитасида) кўрасиз. Баъзи номлар дефис билан ажратиб ёзилади (Волга-Дон, Петропавловск-Камчатск).

Ўзбекистондаги бундай географик номларни ёзишда қуйидаги қоидага амал қилинади: агар мураккаб(қўшма) географик номларнинг иккинчи ўзаги (компоненти) атоқли от бўлса, уларнинг ҳар бир алоҳида-алоҳида ва бош ҳарф билан ёзилади. Масалан: ЭскиТошкент, Юқори Чирчиқ, Янги Урганч, Кўҳна Урганч ва ҳ.к. Агар мураккаб географик номларнинг иккинчи компоненти турдош от бўлса, у ҳолда қўшиб ёзилади: Каттакўрғон, Янгийўл, Жумабозор, Бекобод. Мураккаб географик номларнинг ҳар иккала компоненти бош келишиқдаги отоқли отлардан иборат бўлса, у ҳолда дефис орқали бош ҳарф билан ёзилади: Орехово-Зуево, Волга-Дон, Қози-Муҳаммад ва бошқалар.

Географик номларини ёзишда бизда рус тилидаги манбалар-атлас, харита, луғат ва қўлланмалар асос қилиб олинар эди. Бунда географик номларни ёзиш осонлашган. Чунки турли шаклдаги топонимлардан фойдаланилмасдан фақат рус тилидаги шаклидан фойдаланилган. Лекин русча ёзишда йўл қўйилган хатолар ўзбекча ёзганда ҳам такрорланган. Масалан, Хамбург Гамбург, Холландия Голландия, Хенова Генуя, Норге Норвегия, Наполи Неаполь, Кёбенхавн Копенгаген ва ҳ.к. деб ёзилган. Энди буларни тузатиш мумкин, лекин айримлари ананавий (традицион) номга айланиб қолади ва шундай хатолиғича ёзилаверади.

Рус тилида географик номлар баъзан бош келишқда (мўс Челюскин, остров Чкалов, гора Амундсен, озеро Рудольф), кўпинча қаратқич келишиқда (мўс Дежнева, остров Врангелия, гора Кука, пролив Лаперуза) ёзилади. Ўзбек тилида бундай номларнинг ҳаммаси, рус тилида қандай ёзилганидан қатъий назар, бош келишиқда ёзила беради. Масалан, Челюскин бурни, Чкалов ороли, Амундсен тоғи, Рудолф кўли, Дежнев бурни, Вргел ороли, Кук тоғи, Лаперуз бўғизи.

Анъанавий номлар, яъни ўзбек тилида қадимдан муайян шаклда ёзилиб келинаётган жой номларининг талаффузи ҳам, ёзилиши ҳам бир хил. Бундай номлар ўзгартирилмай ёзилаверади. Улар ўзбек тилида ўнлаб ва юзлаб йиллар давомида бир хил ёзилиб келмоқда. Қадимги илмий, тарихий ва саёхатнома, бадиий асарларда бундай номлар кўп учрайди. Булар асосан шарқ мамлакатларидаги номлардир: Бағдод, Деҳли, Ирок,

Миср, Техрон, хирот, Эрон, Қашғар, хиндистон, Марокаш, Хитой, Сурия, Дамашқ, Бомбай, Карочи ва б. Рус тилида анъанвий бўлиб қолган кўпчилик географик номлар ўзбек тилига ўтиб, шундайлигича сақланиб қолган. Буларга Австрия (асли Эстеррейх), Албания(Шкиперия), Англия(Ингланд), Бруссель (Брюксель), Бухарест(Букерешть), Вашингтон(Уошингтон), Осло(Усло), Рим(Рома), Тибр(Тевере), Финляндия(Суоми), Франция(Франс), Швеция(Сверье), Япония(Ниппон) ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ананавий номлар ҳам ўзгариши мумкин. Эски ананавий номлар янгилари билан алмашинади. Бунда ҳозирги замон номлари билан алмашинади, хато бўлган бўлса тузатилади. Африқо Африка деб, Амриқо Америка деб тузатилди. Баҳри Муҳит Кабирий ўрнига Тинч океан, Баҳри Муҳит Атлосий ўрнига Атлантика океани, Баҳри Муҳит ҳиндий ўрнига ҳинд океани, Баҳри ҳазар ўрнига Каспий денгизи, Оталар денгизи ўрнига Эгей денгизи дейиладиган бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин (1989йил) тилимизни четдан, асосан рус тилидан кириб келган ёд сўзлардан тозалаш баҳонаси билан янги анъанавий номларни яна эски номлар билан алмаштиришга уринишлар бўлди. Албатта бу тўғри эмас. Хато бўлса тузатиш керак, лекин эскисига ноўрин қайтиш нотўғри.

Туркистон ўлкасидаги географик номларни ёзишда тоғларнинг номига қўшиладиган тоғ атамаси тоғ, тов, тоо, доғ кўринишда ёзилади. Бундай ҳолларда Ўзбекистонда бўлса тоғ, Туркманистонда доғ, Қирғизистон ва Қозоғистонда тов шакллари қўлланилади.

### **Таржима қилинадиган ва таржима қилинмайдиган номлар<sup>1</sup>**

Одатда исмлар таржима қилинмайди. Географик жойлар, объектлар номи ҳам аслида исмлардир. Лекин жаҳон географияси ва хариташунослигида баъзи бир хил номларни тўлиқ, баъзиларини қисман таржима қилиш анъанаси мавжуд.

Бундай анъана ўзбек тилига ҳам тадбиқ этилди ва халқаро таржима қилинадиган географик номлар ўзбекчага таржима қилиб ёзилади. Одатда бир қанча халқлар яшайдиган ҳудудларга тегишли йирик географик объектлар номлари, объектнинг табиий хусусиятига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган географик номлар тўлиқ таржима қилинади. Масалан: Қора денгиз, форс тилида Дарёе сиёҳ, рус тилида Чёрное море, румин тилида Море Неагре, немис тилида Шварзес Меерс, Француз тилида Мер Ноире деб юритилади. Ўлик денгиз русча Мёртвое море, немис тилида Тотес Меер, араб тилида Баҳр Лут, Италиян тилида Мар Морта дейилади. худди шундай Яхши умид бурни, Юқори кўл, Кўк Нил, Қизил денгиз, Оқ денгиз, Ўрта денгиз, Катта Сувайирғич тизма, Қояли тоғлар, Катта шўр кўл, Шайтон ороли, Оловли Ер ороли, Қорли тоғлар, Шамолли ороллар, Шамолсиз ороллар ҳам таржима қилинади.

Икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлган географик номлар қисман таржима қилинади. Бунда мураккаб географик номларнинг аниқловчидан

<sup>1</sup> Щ.Щасановнинг «Географик номлар имлоси» китобининг шундай мавзуси асосида ёзилди. «Фан» нашриёти. 1962.

иборат бўлган қисми таржима қилиниб, атоқли отдан иборат бўлган қисми таржима қилинмайди. Русча ёзилган географик номлардан мисол келтирамиз. Южнўй, севернўй, восточнўй, западнўй, белўй, голубой, зелённўй краснўй, чёрнўй, дальний, ближнўй, верхнўй, нижнўй, большой, малўй, среднўй, старўй, новўй каби сифат аниқловчилар одатда таржима қилинади. Асосий ном фонетик транскрипцияга мувофиқ ўзича ёзилаверади. Мисоллар: Большой Восточнўй Эрг-Катта Шарқий Эрг, Восточно-Австралийское течение-Шарқий Австралия оқими, Великобританские острова-Буюк Британия ороллари, Восточно-Сибирские острова-Шарқий Сибир ороллари, Западно Фризские острова-Ғарбий Фриз ороллари, Новая Гвинея-Янги Гвинея, Малўй Атлас-Кичик Атлас, Средне Русская возвышенность-Ўрта Россия қирлари, Северная Америка-Шимолий Америка, Верхнўй Чирчик-Юқори Чирчиқ, Новая Каледония-Янги Каледония, Центральная Азия-Марказий Осиё ва бошқалар.

Лекин тўлиқ ва қисман таржима қилиш усули маъмурий ва сиёсий географик номларга, шаҳарлар, қишлоқлар номларига қўлланилмайди. Масалан: Ўзбекистондаги Янгиқўрғон, Қумқўрғон, Янгийўл, Янгибозор, Яккабоғ, Қаттақўрғон, Кўктерак ҳамма тилларда ҳам таржима қилинмай ёзилаверади. худди шундай Великие Луки, Верхоянск, Железноводск, Кривой Рог, Нижний Тагил, Нижной Новгород, Южно-Сахалинск, Старая Русса ўзбек тилида ўз шаклида ёзилаверади. Бироқ ҳар бир тилда ўз тили грамматикаси имкониятида шартли транскрипция қўлланиши мумкин.

Таркибида русча Земля(ер) сўзи бўлган географик номларни ёзишда иккита қоида мавжуд: 1) Агар земля турдош от (атама) бўлса таржима қилиниб ёзилади. Масалан, Земля Адели-Адели Ери, Земля Амундсена-Амундсен Ери, Земля Франца Иосифа-Франц Иосиф Ери деб ёзилади. 2) Агар Земля сўзи атоқли от бўлиб келса, у таржима қилинмайди. Масалан: Новая Земля, Северная Земля кўринишида ёзилаверади. Агар географик номлар фақат аниқловчидан иборат бўлса, у ҳолда таржима қилинмайди. Масалан: Белое кўли, Тихая дарёси, Исиккўл, Қоракўл, Олакўл, Музкўл ва бошқалар ҳамма тилда ҳам таржима қилинмай ўзича ёзилаверади.

Тов, тоо, доғ сўзлари географик номлар таркибида келган ҳолларда тов, доғ деб ёзилади. Масалан, Копетдоғ, Небитдоғ, Қоратов, Саритов, Олатов ва ҳ.к. Булар ном таркибига кирмасдан тоғи маъносида келганда тоғи деб алоҳида ёзилади. Масалан, Или Ола тоғи, Толос Ола тоғи ва б.

### **Географик терминлар**

Баъзан атама билан термин сўзларини чалкаштириб юборишади. Аслида атама нарсаси, ҳодиса, белги ва ҳаракат кабиларнинг номи, атовчи сўз, янги умумий номдир. Атама терминни ҳам, географик номни ҳам ўз ичига олади. Масалан, момақалдироқ, шаршара, гирдоб, чакмоқ, учкун, олма, ҳовуз, булоқ, тутун, япроқ, Жумабозор, Янгиқўрғон ва ҳ.к. Географияда атамалар икки тур отларга бўлинади: термин ва географик ном. Термин латинча сўз бўлиб, фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасига, шу жумладан географияга ҳам хос бўлган муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўзлар

бирикмасидан иборатдир. Термин-турдош от, исм, ном-атокли от. ҳар иккиси ҳам атама.

Туркий географик терминшуносликнинг ривожланиши жуда узоқ тарихга эга. XI асрда яшаган Маҳмуд ибн ҳусайн ибн Муҳаммад Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари бу соҳада жуда катта аҳамиятга эга. ҳозирги терминшунослар бу асарни ўқимай пухта иш қилишлари қийин. Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Ибн Сино асарларида ҳам атамашуносликка оид маълумотлар жуда кўп.

Махсус географик терминлар, атамалар луғатлари ўзбек тилида 1935 йилдан бошлаб нашр этила бошлади. Шу йили О.Иброҳимовнинг «География атамалари», 1940 йилда М.Бектемиров ва С.Саидрасуловнинг «Қискача русча-ўзбекча география терминлари луғати» нашр этилди. О.Иброҳимов луғатида атама, ном ва терминлар аралаштириб юборилган. Бектемиров, С.Саидрасулов луғатида эса русча, рус тили орқали келган бошқа терминларнинг ўзбек тилида яхши муқолиблари бўла туриб асли берилма берган. Бунга ўша вақтдаги руслаштириш сиёсати сабаб бўлган, албатта.

Ўзбек географик терминологиясининг тараққиётида ҳ.х.ҳасановнинг «Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча география терминлари луғати» ижобий таъсир кўрсатди. (Тошкент 1964). Луғатнинг сўзбошида ўзбек географик терминологиясининг манбалари, тарихи ва тараққиёти баён этилган. Кўпгина терминлар таҳлил қилинган ва «қўлтиқ», «қўлтиқча», «сувайирғич», «қир», «чўл», «дашт», «ботик» каби терминларнинг қайси ўринларда ишлатиш зарурлиги таъкидланган. Айрим қонуниятлар очиб берилиши билан бирга анъанавий терминлар, терминларнинг ўзгариши, архаик (эскирган) терминлар тушунтирилган.

1950 йиллардан бошлаб география терминшунослигида руслаштиришдан аста-секин, яширин ҳолда қайтиш бошланди. Буни биз таржима дарсликларда айрим маҳаллий терминларнинг ва таржима терминларнинг пайдо бўлабошлаганида кўрамыз. Маҳаллий терминлардан товоқсой, дейгиш, қайир, соҳил, манба ва бошқалар, таржима терминлардан дарё боши, қуяр жойи, қирғоқ бўйи, дарё тўйиниши каби терминлар пайдо бўлади. Лекин бу даврда ўзимизда мавжуд бўлган жуда кўп яхши терминлар рус тилидан ва рус тили орқали кириб келган бошқа терминлар билан алмашинди. Масалан, бандар порт, бекат тўхташ жой (остановка), даража гардус, ёнартоғ вулкан, занжи негр, курра шар, уфқ горизонт, режа план, маъдан руда, қувват энергия, кўрфаз губа, тиндирғич отстойник, вилоят область, иқтисод экономия, иқтисодиёт экономика, йўловчи пассажир каби терминлар билан алмашинди.

1979 йилда нашр қилинган «Географиядан изоҳли луғат» (С.Қораев, П.Ғуломов, Р.Раҳимбеков, Тошкент, 1979) географик изоҳли луғат яратишда илк тажриба бўлсада, унда бу соҳада тўпланган тажриба умумлаштирилди. Луғатда географик терминлардан ташқари муҳим аҳамиятга молик илмий-назарий тушунчаларга ҳам изоҳ берилган. Лекин луғатда иқтисодий ва ижтимоий географик терминлар жуда кам.

1989 йил 20 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин, айниқса Ўзбекистонда истиқлол қўлга киритилгандан кейин ўзбек тилининг ривожланишида, шу жумладан географик атамашунослик таракқиётида янги давр бошланди. Бироқ бу давр бошида ўзбек тилини ташқаридан кириб келган ёт атама ва терминлардан тозалаш баҳонасида ҳеч кимга тушунарли бўлмаган, баъзан эса эскириб муомаладан чиқиб кетган терминларни киритишга урунишлар ҳам бўлди. Эндиликда географик терминология тўғри йўлдан ривожланишда давом этапти. Мустақиллик даврида географик луғатлар яратишда ҳам анча ишлар қилинди.

«Географиядан қисқача русча-ўзбекча атамалар ва тушунчалар луғати» (1993й.) ва «Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати» (1994й.) нашр этилди. Изоҳли луғат умумий таълим мактаблари учун нашр этилган ва шунинг учун қисқароқ бўлиб, айрим терминлар киритилмаган.

Географик терминларга қуйидаги талабалар қўйилади:

1. Терминлар илмий ва этимологик жиҳатдан тўғри бўлиши керак. Бунга фаннинг номини мисол қилиб келтириш мумкин: география деб аталгани маъқулми, жўғрофия дейилганми? География термини асли юнонча бўлиб, ге-ер, графо-тасвирайман сўзларидан иборат. Жўғрофия бизга инглиз ва турклар орқали кириб келган бўлиб, географиянинг бузилган шаклидир. Ге-ер сўзи билан бошланадиган бир қанча фанлар бор: география, геология, геоморфология, геофизика, геотектоника ва бошқалар. ҳаммаси ўзгармай қолган. Фақат географияни ўзгартирсак ҳам илмий, ҳам этимологик хатога йўл қўйган бўламиз. Чунки жўғрофия деганда асл маъноси бузилиб кетади, бемаъни сўзга айланиб қолади.

2. Терминлар кўпчиликка тушунарли, айтишга осон, ихчам, тугал маъноли бўлиши керак. Кейинги вақтда таклиф қилинган мувозий, мадор, баҳр, жўғрофиюн каби атамалар арабчадан кириб келган бўлиб, ҳозирги вақтда муомаладан чиқиб кетган, уларга кўпчилик тушунмайди. Бинобарин, уларни қўлланиш мақсадга мувофиқ эмас. Улар ўрнига параллел, тропик, денгиз (океан), географ атамалари пайдо бўлган, ҳамма тушунади.

3. Ўзбек тили нормаларига мос бўлиши керак.

4. Терминлар луғати бойлиги қотиб қолган эмас. Эскирган терминлар муомаладан чиқиб кетиб, янгиланиши, янги терминлар кириб келиши мумкин. Масалан: Хаттийство, мадор, қарат, баҳр, уммон ўрнига экватор, тропик, материк, денгиз, океан деб аталадиган бўлган.

**хўш, терминлар қаердан олинади. Терминларнинг бир қанча манбалари мавжуд:**

1. Ўзбек абадий тилининг сўз захираси, яъни луғатлар, бадий ва илмий адабиётлар. Бундай адабиётларда мавжуд бўлган терминларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) Соф ўзбек (туркий) терминлар. Масалан: жар, булут, ёз, ёмғир, кечик, кент, қўрғон, соз, гил моя ва бошқалар.

б)ўзбек тили заҳирасига кириб, ўзлашиб кетган бошқа халқлар терминлари: манба, мансаб, чашма, соҳил, дарё ва бошқалар.

2.Шевалар тили сўз заҳираси.Шевалар тили сўз заҳирасидан илмий адабиётга кўпгина терминлар кириб, ўзлашиб кетган. Масалан, кайр, адоқ,(одок), газа, чўқалак ва б. Хоразмда суғорма деҳқончилик жуда қадимдан ривожланган. Шунинг учун у ерда суғорма деҳқончиликка оид терминлар кўп: ёп, арна, ариқ, зайк, хариқ, солма, ёрма. Буларни ўзбек тили муомаласига аста-секин киритиш мумкин.

3.Таржима қилиш йўли билан ҳам янги атамалар пайдо бўлади. Чунончи қалашма муз, қирғоқ бўйи, дарё боши, қуяр жойи, сув сарфи, оқим, қора совуқ каби атамалар таржима йўли билан муомалага киритилган.

4.ҳар бир халқнинг луғат бойлиги бошқа халқлардан кириб келган атамалар ҳисобга бойиб боради. Шу жумладан географик терминлар ҳам кириб келади. Масалан: цунами, гаримсел, чашма, соҳил, эрг, ҳамада, циклон, антициклон ва б. Чет эллар билан, турли халқлар билан алоқаларнинг кўпайиши турли атама, термин ва тушунчаларнинг кириб келишига шароит яратади. Лекин бунда биз ўзимизда йўқ, таржима қилиб бўлмайдиган атамаларни олишимиз керак. Ўзимизда бўла туриб ёки таржима қилса бўладиган атамаларни четдан олмаслик зарур.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ўсган сари янги атама ва терминлар ҳам пайдо бўлиб ва эскирганлари тил муомаласидан чиқиб кета беради.

Географик терминларни шартли равишда миллий, маҳаллий, байналмилал ва таржима терминларга бўлиш мумкин. Миллий терминлар бирор миллатнинг адабий тилида ва илмий адабиётларда барқарор ўрин олган ҳамда мазкур миллат вакиллариининг кўпчилиги тушунадиган терминлардир. Буларга тоғ, текислик, дарё, кўл, сой, дара, водий, жар, чўққи, ғор, сел, булут, ёмғир, қор, кўчки, довон ва бошқалар мисол бўла олади. Маҳаллий терминлар маълум ҳудудда, бирор шевада қўлланиладиган терминлар (атамалар) бўлиб, уларни бошқа шевадагилар, бошқа ҳудуддагилар тушунмаслиги мумкин. Масалан, Хоразм шевасидаги ёп, арна, зайк, хариқ, солма, ёрма, терминлари, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тоғли ерларда газа, адоқ, ховар каби терминлар учрайди. Байналмилал атамалар бошқа халқлар тилидан кирган бўлиб, кўпчилик халқларда бир хил қўлланилади. Бунга фан номи географияни, лёсс, гейзер, карст, дельта, артезиан сув, циклон, антициклон, фён, конденсация ядроси , кристалл ва бошқалар мисол бўлади. Таржима терминларга сув сарфи, дарё боши, қуяр жойи, қирғоқ бўйи, сувайирғич, хавза каби терминларни мисол қилиб келтириш мумкин.

### **Тошкент топонимлари**

Тошкентнинг бунёд этилган вақти аниқ эмас. Сақланиб қолган ёзма маълумотларга қараганда шаҳар 2000 йилдан ортиқ тарихга эга. Бу давр мобайнида Тошкент қанчадан қанча тарихий воқеаларни бошидан кечирган.Шаҳар «буюк ипк йўли» устида жойлашганидан бу ерга турли эл-

юртлардан ҳар хил миллатлар вакиллари келган, уларнинг кўплари шу жойда ўрнашиб қолган. Улар ўз жамоаларини, маҳаллаларини бунёд этиб, мавзе, кўча, гузар маҳаллаларга ўз тилларидаги номларни қўйганлар.

Тошкент бир неча бор ёвлар босқинини бошидан кечирган. Мўғуллар, араблар, руслар шаҳарни босиб олиб, вайрон қилишган. Шаҳар яна тикланган, ривожланган. Босқинчилар узоқ вақт давомида ҳукмронлик қилиб, ўз одамларини кўплаб келтиришган. Улар ҳам ўз тилидаги жой номларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Шу боисдан Тошкентда турли халқлар тилларига мансуб бўлган хилма-хил номларни ёнма-ён учратиш мумкин. Агар шаҳарларга жой номларининг хилма-хиллигига қараб соврин бериладиган бўлса, Тошкент, шубҳасиз, биринчи совриндор бўлар эди.

Шу билан бирга Тошкентда жойнинг табиий хусусиятларини ифодаловчи номлар ҳам кўп.

Тошкент номининг ўзи ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Тошкент ҳақидаги фикрлар Клавдий Птолемей, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Заҳириддин Бобур асарларида учрайди. Тошкентнинг жой номларини Я.Ғуломов, Ҳ.Ҳасанов, Н.Маллицкий, В.Шишкин, М.Массон, С.Қораев ўрганишган.

Тошкент турли даврларда турли номлар билан аталган. Ёзма манбаларда шаҳарнинг Таркан, Бинкент, Шош, Чоч, Жож, Ташкуна, Чжеши, Ташихан, Тошканд, Тошкент номлари мавжуд. Птолемей Лифивос Петрос деб аталган шаҳар ҳам аслида Тошкент бўлса керак.

Тошкент номининг этимологияси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Е.Д.Поливанов «маҳаллий аҳоли арабларни този, тозилар деб аташарди. Тошкент номи шу сўздан келиб чиққан. Тошкент шаҳари, тозилар шаҳари, мусулмонлар шаҳари. Този тоши, тош сўзига айланган» дейди. Яъни Тошкент тош сўзидан эмас, този сўзидан келиб чиққан дейди (Мурзаев Э.М.Средняя Азия.254-бет). М.Е.Массон Тошкент номини чоч сўзидан келиб чиққан деб тушунтиради. Араблар Чочни шош деб талаффуз қилишган. Маҳаллий аҳоли шошни тош деб талаффуз қилган. Тошкентнинг тош қалъага алоқаси йўқ деб тушунтирди. (М.Е.Массон.Прошлое Ташкента.Изв.АНУз.№2, 1954).

Абу Райҳон Беруний «Бинкет-Шош шаҳарларидан бири».Туркийча номи Тошкент.Бу қадимги юнонларнинг Бурж ул Хижора қалъаси «(Қонуни маъсуди II жилд, 576-бет)».Тошкент-Тош қалъа. Птолемейнинг «география» китобида тош қалъа дейилган» («ҳиндистон»,271-бет)деб ёзган.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девони луғатит турк» китобида «Таркон Шошнинг номи. Шаҳарнинг ҳақиқий номи Тошканд, яъни тошдан қурилган шаҳар» деб ёзади. (Девони луғатит турк, I, 414-бет). Бинобарин, Тошкент тош ва кент сўзларидан тузилган.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Тошкент номининг таҳлили тўғрисида далиллар келтириб, қуйидагича хулоса қилади: «Икки минг йилдан зиёдроқ давр мобойнида фақат «тош» сўзи(сўғийча чоч, грекча-петрос, хитойча-ши,

арабча-хижора) тош шаҳар, тоғу тиш этагидаги шаҳар, тоғ дарёси Чирчик бўйидаги шаҳар шарафини сақлаб турибди. Бу ном икки минг йил муқаддам ҳам маълум эди. Уни фақат маҳаллий аҳолининг бир қисми Чоч, бир қисми Тош деб юритган. Шош ҳам барибир, тош сўзининг маҳаллий бир шакли. Тарихда Тошкентнинг Таркан, Бинкент, Афросиёб каби номлари ҳам учрайдики, булар маълум даврлардаги шаҳарнинг бир қисминигина билдиради». (х.хасанов Географик номлар сири.1985. 101-бет).

Тошкент шаҳарида кичик жой номлари (микротопонимлар) жуда кўп. Фақат кўчаларнинг номи 2000 дан ортиқ. Шаҳардаги жой номларини таҳлил қилиб, уларни йирик бта гуруҳга жамлаш мумкин.

1.Жойнинг табиий хусусиятларини ифодаловчи номлар. «Тошкент етти қиру етти ўрда ўрнашган» деган ибора бор. ҳақиқатдан ҳам шундай. Навоий кўчасида Анҳор кўприги устидан Чорсу томонга диққат билан назар солсангиз, шаҳримиз ер юзасининг ўр-қирлигини кўрасиз. Ер юзасининг бундай ҳолати шаҳардаги жой номларида акс этган. Масалан, Жарарик, Жаркўча, Чуқурсой, Чуқуркўприк, Ўркўча, Заҳарик, Пастак деган номлар бор. Булар шаҳар ер юзасининг паст, сойлик жойларига тўғри келади. Олтин тепа, Шўртепа, Кулолтепа, Оқтепа, Ганчтепа, Чангалтепа каби жой номлари қир, баландлик жойларга тўғри келади.

Тошкент жуда қадимдан суғориб деҳқончилик қилинадиган воҳада жойлашган. Чирчик дарёсидан жуда кўп ариқлар чиқарилган, аҳолини сув билан таъминлаш учун кудуқлар қазилган, ҳовузлар бунёд этилган. Кўп жой номлари мана шу иншоотлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Буларга Бўзарик, Дамарик, Зоғарик, Шофайзикулоқ, Шошарик, Тарновбоши, Жўнарик, Терсарик, Қорасув, Ширинкудуқ, Каттаховуз, Сассиқховуз, ҳовузлик каби номлар мисол бўлади.

Тошкентда ўсимликлар номлари билан боғланган жой номлари жуда кўп: Бодомзор, Ўрикзор, Олмазор, Себзор, Қатортол, Қатортерак, Еттитерак, Кўктерак, Яккатут, Қўштут, Ёнғоқ, Бешқайрағоч, Мингўрик, Чилонзор, Қорақамиш каби номлар шулар жумласидандир. ҳайвонлар номлари билан боғланган номлар камроқ учрайди: Бўрижар, Каптархона, Сакбон(Сағбон), Чивинтепа ва б.

2.Тошкенда шаҳарнинг бой тарихи каби тарихий номлар ҳам жуда кўп. Анҳор, Жангоб, Бешёғоч, ҳадра, Чорсу, Намозгоҳ, Салор, Дархон, Арпапоя, Камолон, Эскижўва каби номлар билан қанчадан қанча тарихий воқеалар боғланган. Анҳор арабча наҳр-дарё сўзининг кўплик шакли. Тошкентдаги ариқлар умумий ном билан анҳор дейилган. Араблар истилоси давридан қолган ном. ҳозирги вақтда Тошкентни сув билан таъминлайдиган ариқлардан энг каттаси Анҳор номи билан аталади.

Жангоб номи айрим тадқиқотчилар фикрича жанг бўладиган жой. Аслида жанг тамошалари, спорт ўйинлари ўтказиладиган жой бўлган. Бешёғоч номи узунлик (масофа) ўлчов бирлигидан олинган. Бир ёғоч 7-8 кмга тенг бўлган. Эски Тошкентдан Бешёғоч дарвозасигача масофа беш ёғочга тенг бўлган. Шундан дарвоза номи шундай деб аталган. ҳадра икки

сўздан: ҳад-чегара ва роҳ-кўча сўзларидан ҳосил бўлган. Бу кўча хон ўрдасидаги чегара кўча бўлган. Чорсу тўрт сув эмас. Тўрт томон маъносини англатади. Тошкентнинг асосий кўчалари шу ерда кесишган (туташган). Бинобарин, Чорсу чорраҳа сўзидан келиб чиққан. Чорсунинг бозор деган маъноси ҳам бор.

Арпапоя номининг арпа экилган жойга ҳеч бир алоқаси йўқ. У икки сўздан аропа-хандак ва оёқ, чекка сўзларидан иборат. Қадимда кўпчилик ўрта аср шаҳарлари каби Тошкент атрофига ҳам мудофа хандаги қазилган. ҳозирги Арпапоя ўрнидаги хандак чеккадаги хандак, пой-оёқдаги хандак бўлган.

3.Тошкент жуда қадимдан ҳунармандчилик маркази бўлиб келган. Шу боисдан аҳолининг касб-ҳунари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган жой номлари кўп. Бундай номларга Дергез, Тақачи, Ўқчи, Пичоқчилик, Заргарлик, Хизматчи, Шифокорлар шаҳарчаси, Тўқимачилик, Авиасозлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси ва бошқаларни мисол қилиб келтирса бўлади. хусусий ҳунармандчилик ман этилган ва ҳунармандлар таъқиб қилинган совет даврида касб-корилик, ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган жой номларининг кўпи ўзгартириб юборилди. Бундай номлари иложи бўлган жойларда тикланса, ёмон бўлмайди ва тарихдан далолат бериб туради.

4.Кишиларнинг исм-шарифлари, тахаллуслари билан боғлиқ номлар.Тошкентда бундай номлар жуда кўп ва улар хилма-хил. Туркистонни Россия босиб олгандан кейин ва совет даврида кўп маҳаллий номлар ўзгартирилиб, Ўзбекистонга, Тошкентга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кишилар номлари қўйилди. Эски номларнинг кўпчилиги энди тикланди, янги маҳаллий номлар қўйилди. Лекин жойларга кишилар номини қўйишга жуда берилиб кетмаслик керак. Мемориал номлар бундан мустанно, албатта. Ўзбек халқининг жаҳон фани ва маданият тараққиётига катта ҳисса қўшган, таниқли олим, ёзувчи, шоирлар, саркардалар, маърифий намоёндалари, халқ усталари номларини Тошкентда ҳурмат ва ғурур билан эътироф қилишади. Уларнинг номлари кўчалар, майдонлар, боғлар, ҳиёбонларга, ўқув юртлари, айрим муассаса, корхона, ташкилотларга қўйилган. Лекин кишилар номлари берилган жойларга ўша шахс ҳақида маълумотнома ёзиб қўйилса яхши бўларди. Амир Темур, Бобир, Улуғбек, Беруний, Навоий, Машраб, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мукумий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ғофур Ғуломларнинг кимлигини кўпчилик яхши билади. Лекин чет эллик сайёҳлар ҳаммаси ҳам билмаслиги мумкин. ҳудди шундай Юнусобод мавзеи кимнинг номига қўйилганини кўпчилик билмаса керак. Бу жойни нисбатан яқинда, 1919 йилда Тахтапуллик Юнус исмли қосиб бу ерга келиб ўзлаштира бошлаган. Ер очиб, деҳқончилик қилган. Кейинчалик тахтапуллик кўп оилалар келиб унга қўшилишган. Бу ер шу тариқа обод бўлган. Мавзе номи биринчи бўлиб қўриқ очиб, обод қилишни бошлаган Юнус ака номи билан Юнусобод деб аталадиган бўлган.

5. Тошкентда маъносини тушиниш қийин бўлган «ғаройиб» номлар ҳам учрайди. Шундай номларга Жинкўча, Ўғрикўча, Алвастикўприк, Хотинкўприк, Пуштихаммом, Хўжатарашкан каби номлар мисол бўла олади. Жинкўча деб жуда тор, зим-зиё, одам кам юрадиган кўчага айтишган. Алвасти кўприкни икки хил изоҳлашади: кўприкка гўё Али (Хазрат Али) қадам босган эмиш. «Али қадам босди» ибораси ўзгариб, Алвасти бўлиб кетган дейишади. Бу изоҳ ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу кўприк тепалар орасида, пастак, бир вақтлар кўрқинчили жойда бўлганидан, бу жой алвасти (жинлар, «опа»лар) кўприги деган ном олган. Хотинкўприк уруш вақтида эркалар урушда бўлиб, аёл киши бошчилигида аёллар қурган экан. Шундан Хотинкўприк номини олган. Хўжатарашган номли маҳалла Тошкентнинг Себзор даҳасида бўлган. Номи Хўжаи Тарозу ишган, яъни «нотўғри тарози ишлатган хўжа» деган иборадан келиб чиққан.

6. Тошкентда ҳар хил тасодифий, исми-жисмига тўғри келмайдиган бемаъни номлар ҳам бор. Республикамиз истиқлолга эришгандан кейин бундай номларнинг кўпи ўзгартирилди, асл номлари тикланди, лекин айрим жойларда ҳали ҳам сақланган. Бойчечак, Виждон, Граммпластинка, Жонон, , Знамя, Интизом, Искра, Кўсак, Лочин, Машҳур, Мулойим, Одоб, Пальма, Пахта, Равшан, Садаф, Тажриба, Муҳбир, Тарбия, Уйланиш, Фармон, Шамол, Шанба, Яшна, Яхши, ҳаракат, ҳурматли ва бошқалар бунга мисол бўлади.

Умуман олганда, ном қўйиш, ҳох у фарзандига ном қўйиш бўлсин, ҳох шаҳар, кишлоқ, майдон, мавзе, кўчага ном қўйиш бўлсин, катта санъатдир. Ном қўйишда яхши ўйлаб, шошмасдан мулоҳаза қилиб иш тутиш керак. Аслида номни маъмурий ташкилотлар қарори билан қўймаслик керак, ном ўзи шакллансин, шунда ҳақиқий ном бўлади. Кейинчалик ўзгартириб, катта ҳаражат қилиб ўзгартирилмайди. Тошкентда бундай ўзгармас номлар кўп: Чорсу, Бешёғоч, Олмазор, Қорақамиш, Чилонзор, Сирғали, Юнисобод, Олтинтепа, Чукурсой, Анҳор ва бошқалар.

### **География дарсларларида топонимик маълумотлардан фойдаланиш**

Географик номлар географиянинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Улардан географияда бериладиган маълумотларни ҳудудий боғлашда фойдаланилади. Географияда бирор ҳодиса ёки воқеани тушунтирмоқчи бўлинса, албатта жой номи билан боғланади. Географик қонуниятларни географик объект номисиз тушунтириб бўлмайди.

Умуман, географияда жой ёки географик объект номи билан боғланмасдан билим бериш мумкин эмас. Икки жой табиатини қиёслаш учун ҳам жойлар номини билиш керак. Умуман ўқувчиларнинг харитани билиши жой номларини қанчалик даражада билиши билан белгиланади.

Бироқ географик номлар, айниқса чет эл географик номлари болаларга тушунарсиз, уларни эслаб қолиш у ёқда турсин хатто талаффуз қилиш ҳам жуда қийин. Бундай номларни ўқувчилар эслаб қолишлари

учун уларнинг маъносини тушунтириб бериш жуда муҳимдир. Чунки тушунарсиз сўзларни эслаб қолишдан кўра тушунарли сўзни, ҳатто сўзлар бирикмасини эслаб қолиш осонроқдир.

Географик номларни чуқур, тушунишга маҳаллий географик терминларни (атамаларни) ўрганиш ёрдам беради. Маҳаллий географик терминларни тушуниш ўқувчиларга атроф муҳитни онгли билиб олишга ёрдам беради. Бу эса ўз ўлкасига, ватанига муҳаббатни тарбиялайди.

Географик номларни мактабда ўрганишда ўқувчиларнинг номларни тўғри ёзишни ва тўғри талаффуз қилишни билиб олишларига эришиш зарур. Бу талабнинг аҳамияти шундаки, географик номларни тўғри ёзиш ўқувчилар саводхонлигини муҳим қисми ҳисобланади, номларни тўғри талаффуз қилиш эса нутқ маданиятини ўстиради.

Географик номларнинг тарбиявий, илмий аҳамияти ҳам жуда катта. Мамлакат сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар унинг харитасида акс этиб туради. Мамлакатимиз Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейин унинг харитасида ҳам ўзгаришлар бўлади. Мустамлакалик даврида ўша вақтнинг сиёсатини ифодаловчи географик номлар ўзгарди. Истиқлолни, миллий қадриятни улуғловчи географик номлар вужудга келади. Мамлакатимиз табиати, халқимиз касб ҳунари, миллий анъаналар, қадриятларимиз билан боғлиқ номлар тикланди. Истиқлол, Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони, Мирзо Улуғбек тумани, Бобир боғи, Алишер Навоий боғи, Миробод, Музробот туманлари шулар жумласидандир. Дунёда рўй берадиган сиёсий ўзгаришлар харитада, бинобарин, географик номларда ҳам ўз аксини топади.

Географик номларда Ерни географик ўрганиш тарихи ҳам акс этади. Янги ерларни очган, ўрганган кўпчилик сайёҳлар, денгизчилар, тадқиқотчилар номлари географик хариталардан мустаҳкам ўрин олган.

Кўпчилик географик номлар табиий шароитни (ер юзаси рельефини, ўсимликлар ва ҳайвонат дунёсини, табиий ҳодиса ва воқеаларни), аҳолининг урф-одатлари, ҳўжалигини акс этдиради. Географик номлар асрлар давомида сақланишини назарда тутсак, уларнинг ўтган замон табиати, рўй берган ҳодиса воқеалар, кишиларнинг тарихий касб-корлиги, урф-одатлари, аҳолининг миграцияси ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Географик номларни ўрганиш ўқитишда предметлараро алоқаларда ҳам қўл келади. География ўқитишда она тили, чет тиллари, тарих фанлари билан бевосита алоқаларни ўрнатиш мумкин. Географик номларнинг тўғри ёзилишини, талаффузини ўрганишда она тили, чет эл топонимларини ўрганишда чет тиллари билан боғланиш яхши натижа беради. Айрим географик номларнинг жойлашиши ва маъноси тарихий воқеалар билан боғланган. Бу эса географиянинг тарих фани билан алоқасини мустаҳкамлашга имкон беради. Географик номларнинг маъносини яхши билиш чет тилларини ўрганишга ҳам ёрдам беради.

### **Топонимик маълумотлар тўплаш**

хар бир жойнинг географик номларини ўрганиш маълумотлар тўплашдан бошланади. Географик номлар ҳақидаги маълумотлар бевосита жойда, ўрганилаётган ҳудудда йиғилади.

Керакли маълумотларни яна хариталардан, турли хил маълумотномалардан, бадий, тарихий адабиётлардан, шунингдек давлат архивларидан олинади. Илмий саёхатлар вақтида аҳолидан, хусусан қариялардан сўраб ўрганиш ҳам маълумот тўплашда катта ёрдам беради. Маълумотлар қандай манбалардан тўпланган бўлишидан қатъий назар, тўғри бўлиши керак.

Жойда маълумот йиғиш вақтида ҳамма номларни, шу жумладан жуда кичик географик объектлар номларини ҳам ёзиб бориш керак. Географик номлар тушунарли бўлса ҳам, тушунарсиз бўлса ҳам, ўзбекча бўладими, бошқа тилда бўладими барибир ёзиб олиш зарур. Ёзув ўзбек тили қоидаларига мос бўлсин.

Жой номларини ўрганишни хар бир ном учун картотека тузишдан бошлаш зарур. хар бир номни ўрганганда ва маълумот тўлаганда муайян тартибдаги саволлар тузлиши ва номларни дастлабки ўрганиш ана шу саволларга жавоб тайёрлашдан иборат бўлиши керак.

Бу саволлар қуйидагилар:

1.Мазкур ном ниманинг номи:қишлоқми, шаҳарми, тоғми, дарёми, кўлми, кўчами, овулми, маҳаллами, гузарми, булоқми, жарми ва ҳ.к.

2.Бу объектнинг бошқа номи ҳам борми, бўлса илгариги номи қандай, қачон, нега ўзгартирилган.

3.Бу ном қачондан бери мавжуд.

4.Яқин атрофда яна шу номда бошқа объектлар (дарё, кўл, жар, қишлоқ ва бошқалар) борми.

5.Маҳаллий аҳоли жой номи маъносини қандай тушунтиради.

6.Маҳаллий аҳолининг жой номи ҳақидаги фикри сиз йиғган маълумотларга тўғри келадими.

7.Жой номида маҳаллий табиий хусусиятлар қанчалик акс этган.

хар бир жой номи учун тайёрланадиган карточка ўлчами 7,5 x 12,5 см бўлиб, юпқа кардон қоғоздан тайёрланса яхши бўлади. Карточканинг бир томонига энг юқори қисмига йирикроқ ҳарфлар билан жой номи ёзиб қўйилади. Сўнгра бу номнинг нимадан иборатлиги, қаерда жойлашганлиги, бошқа номлари бўлса, улар ҳам ёзилади. Карточканинг орқасига мазкур номнинг этимологияси, ҳозирги вақтда қандай талаффуз қилиниши, тўғри ёзилиши ёзиб қўйилади.

**Арпапоя** Тошкентдаги кўча.  
Илгари мавзе номи бўлган.  
Қадимги Тошкентнинг жанубий  
қисмида жойлашган.

Арпапоя-аропа-хандак ва пой  
оёқ, чекка сўзларидан ҳосил  
бўлган.  
Қадимги Тошкент атрофига



**Олд томони**

мудофаа хандаги қазилган бўлган.  
Бу хандак чеккадаги, оёқдаги  
хандак бўлган. Номи шундан  
келиб чиққан.

**Орқа томони**

### **Топонимик карточка намунаси**

Карточкалар тайёр бўлганидан кейин географик номларни алифбо бўйича тартибга солиб, луғат тайёрлаш мумкин. Ёки номларни турларига қараб (ороним, гидроним, этноним, диний номлар ва х.к.) гуруҳларга ажратиш ҳам мумкин. Номларни ҳосил бўлишига қараб ҳам гуруҳларга жамласа бўлади. Агар топонимик маълумотлар юқорида баён этилган талаблар ҳисобга олиниб, тўғри тўпланган бўлса катта илмий аҳамият касб этади. Маҳаллий географик терминлар (атамалар)ни ўрганишда ҳам ҳар бир термин учун карточка тўлдириб бориш жуда яхши натижа беради. ҳар бир жой топонимиясини (жой номларини) тадқиқ қилишда маҳаллий терминлар ҳақидаги маълумотлар жуда зарур. Чунки кўп жой номлари асосини терминлар ташкил этади.

### **ИЛОВА**

Топонимикани қанчалик биласиз?

Ўзингизни бир синаб кўринг.

- 1.Топонимика фани нималарни ўрганади?
- 2.Топонимия деганда нимани тушунасиз?
- 3.Топонимика қайси фанлар билан яқин боғланган ва уларнинг тадқиқот методларидан фойдаланади?
- 4.Географик термин нимаю, географик ном нима?
- 5.Антоним географик номлар қандай номлар?
- 6.Метафора географик номлар қандай номлар?
- 7.Мемориал номлар қандай номлар?
- 8.Этнонимлар нима?
9. «Девону луғатит турк» асари муаллифи ким? Бу инсон ҳақида нималарни биласиз?
- 10.Топонимика соҳасида кўп ишлар қилган бобокалон олимлардан кимларни биласиз?
- 11.х.х.хасановнинг топонимикага оид қандай асарлари бор?
- 12.Оддий турдош отлардан ҳосил бўлган қандай географик номларни биласиз?
- 13.Аниқловчи (сифат) кўшиш йўли билан ҳосил бўлган қандай номларни биласиз?
- 14.Аниқловчи (сон) кўшиш йўли билан ҳосил бўлган қандай номларни биласиз?

15. Аниқловчи (от) кўшиш йўли билан ҳосил бўлган қандай топонимлар биласиз?
16. Географик номлардан ҳосил бўлган қандай географик терминларни биласиз?
17. Детопонимизация нима?
18. Номларнинг кўчишидан ҳосил бўлган қандай топонимларни биласиз?
19. Умумлаштиришдан ҳосил бўлган қандай географик номларни биласиз?
20. Таржима қилинган номлардан нечта мисол келтира оласиз?
21. Қандай номлар аниқ маъноли номлар дейилади?
22. Жойнинг географик ўрнига боғлиқ бўлган номларга 10та мисол келтиринг.
23. Жойнинг табиий хусусиятига боғлиқ географик номларга 10та мисол келтиринг.
24. Жойнинг рельефига боғлиқ номларга 5та мисол келтиринг.
25. Сув билан боғлиқ номларга Ўзбекистондан 10та мисол келтиринг.
26. Ўсимликлар билан боғлиқ номларга 10та мисол келтиринг.
27. Ҳайвонлар билан боғлиқ номларга 10та мисол келтиринг.
28. Фойдали қазилмаларга боғлиқ топонимларга 10та мисол айтинг.
29. Аҳолининг касб-ҳунари номи билан боғлиқ номларга 10та мисол топинг.
30. Ўзбекистондаги этнонимларга 10та мисол келтиринг.
31. Шахсларнинг исм-фамилияси, тахаллуси билан боғлиқ бўлган номларга 10та мисол айтинг.
32. Диний географик номларни қандай аниқлайсиз?
33. Тошкентдаги табиий номларга 10та мисол айтинг.
34. Тошкентдаги Хадра, Чорсу, Бешёғоч, Эскижўва, Ўрда, Анҳор, Арпапоё, Аччи, Себзор, Дегрезлик номларнинг маъноси нима?
35. Қандай номлар тўлиқ таржима қилинади?
36. Қандай номлар чала таржима қилинади?
37. Ғаройиб номлар деб қандай номларга айтилади?
38. Жинкўча, Хотинкўприк, Чўнтакқишлоқ, Бўғозтерак, Алвастикўприк қандай топонимлар турига киради.
39. Дунёдаги қайси денгизлар ранглар номи билан аталади?
40. Антарктида билан Антарктика изоҳида қандай фарқ бор.
41. Жанубий Америкнинг иқлими энг совуқ ороли нега Оловли ер деб аталади?
42. Шимолий ва Жанубий Америка оралиғида жойлашган ороллар нега Вест-Индия ороллари деб аталади?
43. Тошбақа ороллари, Айик кўли, Кенгуру ороли, Қирғий ороллари, Ит ороллари, Эчки ороллари, Илон кечиги қаерда?
44. Қайси денгизлар мамлакат номи билан аталади?
45. Янги Гвинея, Янги Зеландия, Янги Каледония ороллари борлигини биласиз. «Эски» Гвинея, Зеландия, Каледония ороллари қаерда?

- 46.Қайси мамлакат кўл номи билан аталади?
- 47.Қайси мамлакатлар дарё номи билан аталади?
- 48.Қайси мамлакат вулқон номи билан аталади?
- 49.Қайси мамлакат тоғ номи билан аталади?
- 50.Покистон мамлакати номи маъносини биласизми?
- 51.Газлама номини эслатувчи жой номларидан қайсиларини биласиз?
- 52.Ўлик денгиз, Ажал водийси, Борсакелмас, Дашти Лут, Дашти Маргоҳ қаерда ва улар нима учун шундай аталади?
- 53.Қуйидаги географик номлардан қайсилари тўғри, қайсилари нотўғри ёзилган: Янгиобод, Катта Қўрғон, Қора дарё, Эски Тошкент, Янги Йўл, Эскижўва, Косон-сой, Ола-Буқа, Қора Қамиш, Ўрта Чирчиқ,.
- 54.Энг хато географик ном қайси ва унинг хато эканини исботлаб беринг.
- 55.Толдиқўрғон, Қарағанда, Олмалик, Конибодом, Флорида топонимларнинг қайси турига мансуб?
- 56.Нил, Амур, Дон, Рио,Ривера, Ганга, Шотт дарёлари номи маъносини айтинг.
- 57.Қуйидаги мамлакатлар номларидан қайсилари халқ номидан олинган? Ўзбекистон, Покистон, Туркия, Боливия, Колумбия, Бразилия, Иордания, Швеция, Нигерия, Кения.
- 58.Аппалачи тоғлари, Эри кўли, Кариб денгизи, Қизил шаҳари, Бўка тўмани, Бараба дашти, Айова штати, Қурама тоғлари топонимларнинг қайси турига киради?
- 59.Ўз жойингиз (маҳаллангиз,қишлоғингиз,туманингиз, шаҳарингиз, вилоятингиз) номининг маъноси нима?
- 60.Тяншан, Оҳангарон, Қўқон, Урганч, Нукус, Бухоро, Наманган, Жиззах, Термиз, Зарафшон номларининг маъносини биласизми?

## Адабиётлар

- 1.Дўсимов З.,Эгамов Х. Жой номларининг изоҳли луғати.  
«Ўқитувчи». Т.1977.
- 2.Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. «Фан».Т.1967.
- 3.Мурзаев Э.М. Очерки топонимики «Наука». М.1974.
- 4.Мурзаев Э.М. География в названиях. «Наука». М.1979.
- 5.Мурзаев Э.М. Словарь народнўх географических терминов.  
«Мисл». М. 1984.
- 6.Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати.  
«Ўқитувчи». Т.1988.
- 7.Поспелов Е.М. Топонимика в школьной географии.  
«Просвещение». М. 1981.
- 8.Поспелов Е.М. Школьнўй топонимический словарь.  
«Просвещение». М. 1988.
- 9.Суперанская А.В. Что такое топонимика? «Наука».М. 1985.
- 10.Термин танлаш мезонлари. «Фан» Т. 1996.
- 11.Қораев С. Тошкент топонимлари. «Фан». Т. 1991.
- 12.ҳасанов ҳ. Географик номлар имлоси. «Фан». Т.1962.
- 13.ҳасанов ҳ. Географик терминлар луғати. «Фан». Т.1964.
- 14.ҳасанов ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. «Фан». Т.1965.
- 15.ҳасанов ҳ. Ер тили. «Ўқитувчи». Т.1977.
- 16.ҳасанов ҳ. Географик номлар сири. «Ўқитувчи». Т. 1985.
- 17.Ғуломов П. Географиядан қискача русча-ўзбекча атамалар  
ва тушунчалар луғати. «Университет» нашр.,Т.1993.
- 18.Ғуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати.  
«Ўқитувчи» .Т.1994.

## МУНДАРИЖА

|                                                                   |  |
|-------------------------------------------------------------------|--|
| Сўзбоши. . . . .                                                  |  |
| Топонимик атамалар ва тушунчалар. . . . .                         |  |
| Топонимика ва атамашуносликнинг ривожланиш тарихидан. . . . .     |  |
| ..                                                                |  |
| Географик номларнинг пайдо бўлиши. . . . .                        |  |
| Географик номларнинг оддий сўзларга айланиши (Детопонимизация).   |  |
| Географик номлар маъноси ҳақида. . . . .                          |  |
| Топонимларнинг пайдо бўлиши ва хусусиятига кўра турлари. . . . .  |  |
| Жой номларининг тўғри ёзилиши. . . . .                            |  |
| Таржима қилинадиган ва таржима қилинмайдиган номлар. . . . .      |  |
| Географик терминлар (атамалар). . . . .                           |  |
| Тошкент топонимлари. . . . .                                      |  |
| География дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиш. . . . . |  |
| Топонимик маълумотлар тўплаш. . . . .                             |  |
| Илова. . . . .                                                    |  |
| Адабиёт. . . . .                                                  |  |